



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббиёт сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган. Бу ислохотларни жадаллаштириш ва ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида халқаро экспертлар иштирокида таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офисини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. У давлат тиббий сугуртаси тизимини ҳамда давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим тизими ва илм-фан соҳасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш каби йўналишларга масъул этиб белгиланади. Шунингдек, бу марказ рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш, хусусий секторни кенгайтириш, давлат харидлари шаффофлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилишга кўмаклашди.

Лойиҳа офиси фаолиятига ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассислари, шунингдек, хорижий эксперт ва маслаҳатчилар шартнома асосида жалб қилинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган ислохотлар етук кадрлар салоҳиятини талаб этади. Шу боис, бу борада бир қанча чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. Унда жамоат саломатлиги, профилактик тиббиёт, жисмоний фаоллик ихтисосликлари бўйича магистрик йўналишлари очилади. Тиббиёт йўналишидаги талабалар билимини халқаро тан олинган тизим асосида, икки босқичда давлат имтиҳонлари орқали баҳолаш йўлига қўйилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, ҳудудлардаги эҳтиёждан келиб чиқиб, тиббиёт олийгоҳларининг 200 нафар биттирувчиси магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий таълим муассасаларида ўқитилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, дерматовенерология ва косметология марказлари, Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Жорий йилда амалдаги 40 та санитария қоида ва нормалари қайта кўриб чиқилиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш юзасидан топшириқ берди.

ЎЗА

СПОРТДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасида эришилган натижалар ва халқаро мусобақаларга кўрилатган тайёргарлик бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда спорт анча омалашган, ёшлар спортсевар. Давлатимиз раҳбари гоёси билан ташкил этилган “Беш ташаббус олимпиада-си” жисмоний маданиятни янада кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили мазкур олимпиада доирасидаги мусобақаларда 6 миллион 400 минг нафар ёшлар қамраб олинди. Спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда 449 та намунавий спорт майдончаси барпо этилди.

Беш босқичли оммавий мусобақаларда қарийб 12 минг нафар иқтидорли ёшлар танлаб олинди, спорт мактабларига йўналтирилди. Соҳадаги ҳар бир мактаб муайян спорт турларига ихтисослаштирилиб, янги инвентарь ва анжонлар билан таъминланди. Буларнинг натижасида миллий терма жамоаларга спортчи етказиб бериш кўрсаткичи ҳам ошмоқда.

Профессионал спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилоқда. Айни кунларда Жанубий Кореяда ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги IV қишки олимпиада ўйинларида тоғ қанғиси бўйича спортчиларимиз иштирок этмоқда.

ЎЗА

ЮЙ ЦЗЮНЬ: “ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРМОҚДА”

Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш, дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида ривожланмоқда.

Бунда олий даражадаги сиёсий учрашувлар, шунингдек, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган дўстона ва ишончли муносабат муҳим омил бўлаётир. Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига навбатдаги ташрифи ҳам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб беради.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23-25 январь кунлари бўлиб ўтаётган давлат ташрифи доирасида Пекин шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Кун тартибидан Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенг қўламли амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирининг Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Юй Цзюнь билан суҳбати ҳам икки давлат ўртасида изчил ривожланаётган ҳамкорлик ва навбатдаги давлат ташрифига бағишланди.

— Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда қайси соҳаларда изчил ривожланиши мумкин?

— Дўстлик олтиндан қиммат, деганларидек, Ўзбекистон биз учун яхши қўшни ва яқин ҳамкор, дўст мамлакат. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуси туфайли Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, стратегик шериклик муносабатлари юқори даражада ривожланипти. Томонлар асосий масалалар бўйича бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Ислохотларни чуқурлаштириш ва очиқлик бўйича икки давлат тажрибаси ўрганилмоқда.

Аҳамиятлиси, икки давлат раҳбарлари ўртасида яқин алоқалар мавжуд. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йили икки марта учрашиб, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг янги режасини белгилаб олди. Ўзбекистон — Хитой Ҳукуматлари ҳамкорлик қўмитаси фаолияти ҳам икки томонлама алоқалар ривожидида муҳим роль ўйнамоқда. Барча соҳаларда делегацияларнинг ўзаро ташрифлари ортаётгани ҳам эътиборлидир. Ўтган 2023 йилда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудуди раҳбари Хитойга, 20 дан орტიқ Хитой марказий ва минтақавий делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон орзуси

МУНОСИБ РАҲБАР У ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Янги Ўзбекистонни барпо этиши кўзда тутилган кадрларни тайёрлаш жараёни икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси анъанавий усулни, яъни мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимида таълим-тарбияни тубдан қайта қуриш, замонавийлаштириш, боғча ва олий таълимга қамровни кескин ошириш, мактаб ва олий таълимда ўқитилаётган фанларни амалиётга яқинлаштириш каби масалаларни ўз ичига олди.



Таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш боғча билан таъминлаш даражасини кескин оширишдан бошланди. Зеро, 2016 йилда мактабгача таълимга қамров ўта паст,

яъни 23,8 фоиз бўлиб, болаларни боғчага жойлаш ўта мураккаб муаммага айланганди. Чунки ҳар 100 боладан фақат 24 нафарига боғчага бориш имкониятига эга бўлган.

Ўша йилдан бошлаб бу соҳага жуда катта эътибор қаратилди. Боғча қураётган тадбиркорлар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, жумла-



дан, уларга ер ва кредит ажратишда катта имтиёзлар берилди. Давлат, хусусий ва давлат-хусусий шериклиги асосида юзлаб мактабгача таълим ташкилоти барпо этилди. Натижада 2016-2023 йилларда фарзандларимизни боғчага қамраб олиш даражаси 3,1 баробар оширилиб, 74 фоизга, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов қамрови эса 93 фоизга етказилди.

Давоми 3-бетда

Нуқтаи назар

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” ИНКЛЮЗИВ ВА ОЧИҚ ПЛАТФОРМА БИЛАН ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Дунёда “жаҳон фабрикаси” деган рамзий эътирофга сазовор бўлган Хитой Халқ Республикаси саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият соҳаларида жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб эътироф этиб, дипломатик алоқалар ўрнатган мамлакатдир. Икки халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи эса мингйилликларга бориб тақалади. Жумладан, қадимги Буюк ипак йўли асрлар давомида минтақа халқларининг ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим роль ўйнаган. Дастлаб, Хитойни Ўрта ва Ғарбий Осиё билан боғловчи, кейинчалик Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган ва умумий узунлиги 12 минг километрдан иборат транзит-савдо платформасига айланган Буюк ипак йўли тушунчаси ҳозирги кунда ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Халқаро доирада Буюк ипак йўлининг замонавий кўриниши сифатида баҳоланаётган ва давлатимиз раҳбари томонидан “халқаро ҳамкорликнинг янги модели” сифатида эътироф этилган “Бир макон, бир йўл” дастури минтақалар ўртасидаги умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ҳамда очиқ платформага айланиб бормоқда.

2013 йилда Хитой ҳукумати томонидан 150 га яқин давлат ва халқаро ташкилотларга сармоя киритиш учун қабул қилинган глобал инфратузилмани ривожлантириш стратегияси ҳисобланувчи мазкур дастур Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан йўлга қўйилган.

Давоми 5-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

“СЕРВИС ДАВЛАТ” ТИЗИМИ

Фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам берадими?

2023 йил 11 сентябрда мамлакатимизнинг келгуси етти йилдаги устувор йўналиш ва мақсадларини белгилаб берувчи концептуал ҳужжат — “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Ушбу қарорда қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш борасида 16 мақсад бўйича жами 26 та амалий тадбирни амалга ошириш, 41 мақсадли кўрсаткични яхшилаш, 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Давоми 3-бетда

Таҳлил ва таққос

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР АСОСИДАГИ ФАОЛИЯТ

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖда олтин ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда қўл келмоқда

Иқтисодиёт ривожидида бой хомашё захираларини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлашга эришиш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон бутун кунда кўплаб фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёнинг юқори ўриндаги 15 давлати қаторига киради. Жумладан, олтиннинг ресурс базаси бўйича дунёда иккинчи, мис бўйича еттинчи, қумуш бўйича тўққизинчи, уран бўйича ўн иккинчи ўринда туради.

Ана шу имкониятдан самарали фойдаланаётган корхоналар орасида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти пешқадам саналади. Кейинги йилларда соҳа ривожига қаратилган улкан эътибор, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жадал жорий этилаётгани

туфайли комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича етакчи хорижий компаниялар орасида 7-ўриндан 4-ўринга кўтарилди. “Муринтов” қони эса халқаро рейтингларда юқори погонани эгаллаб келмоқда.

Давоми 4-бетда



ЮЙ ЦЗЮНЬ: “ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРМОҚДА”

Бошланғичи 1-бета

Мамлакатларимиз ўртасидаги прагматик ҳамкорлик ўз самарасини берди. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси янги Ўзбекистон курилиши билан чуқур уйғунлашди ва ўзаро товар айирбошлаш юксак даражага кўтарилди. Утган йилнинг 11 ойда бу кўрсаткич 12,2 миллиард долларга етди. Ўзбекистондаги Хитой компаниялари сони эса 2 миңдан ошди. Шунингдек, инфратузилма қурилиши, ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги, коммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг кучли динамикаси кузатишмоқда.

Қайд этиш керак, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик натижалари ҳайратланарли. Хитой сармояси иштирокида ҳаётий муҳим лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида, айниқса, Сирдарё вилоятида 1500 МВт қувватга эга янги электр станцияси, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида шамол ва кўёш электр станциялари қурилишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Иқтисодий мавзуга қайтадиган бўлсак, биз янги энергетика, электромобиллар соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонга олиб кинилган электромобилларнинг 90 фоизи Хитойдан келтирилди. Базини Ўзбек дўстларим ҳам Хитойнинг BYD, Shey, Great Wall брендлари остидаги машиналардан фойдаланади. Мен улардан ушбу электр транспорт воситаларини қайтадан таассуротлари ҳақида сўрадим ва улар ижобий жавоб берди. Бу менга фахр бағишлайди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида кўп-ла маданий алмашинув лойиҳалари амалга оширилди. Жумладан, Хитой маданияти кўни доирасида “Шинжон яхши жой” спектакли намойиш этилиб, йирик рақс жамоалари Шинжон, Гансун бўйлаб гастроль сафарлари бўлди. Ўзбекистоннинг бетакор маданий ёдгорликлари Ханжжоу музейи ва Пекинда намойиш этилди. Яқин кунларда Хитойда “Ўзбекистон маданияти кўни” доирасида туркум тадбирлар ўтказилди. Жорий йилнинг 4-6 февраль кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Кўноқ баҳор фестивали” Хитой маданий тадбирлари бўлиб ўтди. Шу ўринда Ўзбекистонлик дўстларимизни ушбу тадбирларга таклиф этимиз.

Умуман олганда, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ҳамкорлигининг барча соҳаларини қамраб олади. Биз икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни доимий равишда мустахкамлаш ва амалга оширишга асосий масала сифатида қараймиз.

Бугунги кунга келиб, биргаликдаги сайё-ҳаракатлар туфайли давлатларамиз муносабатларининг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи мустахкам асос яратилди. 2023-2027 йилларда янги даврда ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантиришнинг беш йиллик дастури, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар қандай баҳолайсиз?

— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳномалигида янги Ўзбекистонни қуриш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда янги ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Президент халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйишни таъкидлаб, халқ талабини тинглашга катта эътибор қаратаётган. Мазмурий-ҳудудий



бошқарув самарадорлигини, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштиришни давом эттирмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш динамикаси юқори, бозор ҳаётичилигини рағбатлантириш доимо эътиборда. Ишбилармонлик муҳити оптималлаштирилмоқда, инфратузилма қурилиши босқичма-босқич такомиллаштирилиб, Ўзбекистонга сармоя кiritиш учун тобора кўпроқ хорижий компаниялар жалб этилмоқда. Бунинг самарасида халқ фаровонлиги янада юксалиб, одамлар ўзини бахтли ҳис қилмоқда, жамиятда барқарорлик ва оқилона ҳукм сурмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб борапти. Бошқа давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни фаол ривожлантириб, қатор йирик халқаро тадбирларга муваффақиятли мезбонлик қилмоқда. Бу эса давлатнинг халқаро мавқеи ва таъсирини сезиларли даражада олиб бораётган, яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларини чуқурлаштиришга бекиё ҳисса қўшади.

Яхши қўшни ва яхши ҳамкор сифатида Хитой Ўзбекистон эришаётган ютуқларини олқишлайди. Ўйлайманки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси “Янги Ўзбекистон” тараққиётини тезлаштиради, ўзбек халқи ўз орзусини рўёбга чиқарадиган вақт узоқ эмас.

— Жаноб элчи, мамлакатимиздаги дипломатик фаолиятингиз давомида қандай янги лойиҳалар устида ишлагани режалаштириасиз?

— Ўзбекистонда иш бошлаганимга олти ой бўлди. Менинг фаолиятим Ташқи ишлар вазирилик ва бошқа давлат идоралари томонидан қўллаб-қувватланди. Бунинг учун чуқур миннатдорлик билдираман. Шу давр мобайнида турли жойларда бўлдим, кўплаб нуфузли тадбирларда иштирок этдим, янги дўстлар орттирдим. Ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги, жамиятнинг эса Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини чуқурлаштиришга бўлган кучли иштироки менда ижобий таассурот қолдирди.

Давлатларимизнинг ҳамкорлиги порлоқ келажак ва катта салоҳиятга эга, деб ҳисоблайман. Икки томонлама муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш менга катта масъулият юклаган.

Дипломатик миссиям давомида ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан икки давлат раҳбарлари ўртасидаги муҳим келишувларни содиқлик билан амалга ошириш, турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун шарафат қилган фаол иштирок этиш муносиб ҳисса қўшман. Айниқса,

асосий эътиборни амалий ҳамкорлик соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳамкорлигини янада юқори бўлиши, яъни 20 миллиард АҚШ долларига етказишга қаратамиз.

Биз устувор инвестиция лойиҳаларини илгари суриш устида ишлаймиз. Корхоналар ва идоралар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, рақамли иқтисодиёт, табиий ва соғлиқни сақлаш, замонавий қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда янада ўзаро манфаатли лойиҳаларни яратибдан манфаатдоримиз. Тоза энергия, кўёш энергияси, шамол энергетикаси ва гидроэнергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг ижобий динамикасини сақлаб қилишга интиламиз. Атроф-муҳитни бошқариш, муҳофаза қилиш, сувни тежаш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш учун яшил технологиялардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришимиз.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини тезроқ бошлашга кўмаклашамиз. Транскаспий ташкилотлари самарадорлигини оширамиз ва транспорт инфратузилмасини қуришда ҳамкорлик имкониятларини ўрганамиз. Минтақавий ресурсларни сафарбар қилиш ва мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, давлат бошқаруви ва қишлоқликни қисқартириб бўйича тажриба алмашишни кенгайтирмоқчимиз. Умуман олганда, ҳамкорлик миз мустахкам пойдевор, ирода ва истиқболга эга. Ҳар икки томонда қилинадиган ишлар кўп. Бу борада эса биргаликдаги сайё-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

— “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифлар ҳақида қандай фикрдасиз? Бу ташаббуслар Ўзбекистон — Хитой муносабатларида қанчалик муҳим?

— Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг октябр ойида Хитойга “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик форумида иштирок этиш учун ташриф буюрган эди. Давлат раҳбари форуминг очилиш маросимиде иштирок этди ва биринчи бўлиб Яшил ривожланиш бўйича юқори даражадаги форумда нутқ сўзлади. У Марказий Осиё олдиде турган жиддий иқлим ўзгаришларини муаммоларини таъкидлаб, “Яшил ипак йўли” ташаббусини қўллаб-қувватлади ва халқаро ҳамкорликка чақирди.

Бизга маълумки, жаноб Президент раҳномалигида Ўзбекистон экологик муаммоларини миллий тараққиёт ва ислохотларнинг муҳим кун тартибига киритиб, “Яшил макон” ташаб-

бусини фаол илгари сурмоқда. Янги энергияни ривожлантириш, яшил иқтисодиётни ўзгартиришга кўмаклашмоқда. Президентнинг қатор ташаббуслари барқарор ривожланишга интилиши, шунингдек, бутун инсониятнинг умумий иши учун масъулият ва миссия туйғусини акс эттиради ва Хитой уларни юксак қадрайди.

Бу ислохотлар Хитойнинг қарашлари ва ташаббусларига тўлиқ мос келади. Келгусида Хитой томони яшил ривожланишга эътиборни кучайтириш ва барқарор ривожланишга интилиш учун Ўзбекистон томони билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

— Келинг, кўпчиликини қизиқтирган сармоявий ҳамкорлик мавзусига тўхталиб ўтамиз. Ўзбекистондаги қайси соҳалар хитойлик ишбилармон ва тадбиркорларни кўпроқ қизиқтиради? Хитойлик инвесторларни янада кўпроқ жалб қилиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб борапти. Бошқа давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни фаол ривожлантириб, қатор йирик халқаро тадбирларга муваффақиятли мезбонлик қилмоқда. Бу эса давлатнинг халқаро мавқеи ва таъсирини сезиларли даражада олиб бораётган, яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларини чуқурлаштиришга бекиё ҳисса қўшади.

— Ўзбекистон — Хитой сармоявий ҳамкорлиги жадал ривожланиб, турли йўналишларда янада диверсификация қилинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда Хитой Ўзбекистоннинг асосий сармоявий ҳамкорига айланган, умумий сармоя ҳажми 11 миллиард АҚШ долларидан ошган.

Бугунги кунга қадар жуда кўп ҳаётий муҳим истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди ва давом эттирилмоқда. Улар орасида инфратузилма, кимё саноати, энергетика, сув хўжалиги, транспорт, коммуникация ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар бор. Бундан ташқари, Хитой халқ фаровонлиги, табиий ёрдам ва таълим соҳаларида хайри лойиҳаларини ҳам фаол амалга оширмоқда. Ҳар икки томон аини дамада янги энергия ва минерал ресурслар, рақамли иқтисодиёт, яшил ривожланиш, экология, табиий ва соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги ҳамкорликка эътибор қаратмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитой — Ўзбекистон сармоявий ҳамкорлик жағғармасини ташкил этишга Хитой Ипак йўли жағғармаси 5 миллиард юань сармоя кiritишга қарор қилган.

Хитойлик сармоядорларнинг фикрича, Ўзбекистон ҳаётга тўла ва Марказий Осиё давлатлари орасида энг яхши ишбилармонлик муҳитига эга давлат. Бу эса уни сармоя ва бизнес учун қулай муҳитга айлантди. Давлат корхона томонидан амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан ташқари, Хитойнинг турли хусусий корхоналари Ўзбекистон билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик,

қишлоқ хўжалиги махсулотларини чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Хитой компаниялари бу жараёнда фаол иштирок этиб, тоза ва гузал замонавий бог-шаҳарни яратишга ҳисса қўшишга умид қилмоқда.

Бундан ташқари, Хитойнинг инфратузилма қурилиши, жумладан, теъорар темир йўлларни қуриш бўйича тажрибаси жуда катта. Хитойликлар “Бой бўлишни истасангиз, биринчи навбатда, йўл қуришингиз керак”, дейди. Ўйлайманки, Хитой ва Ўзбекистон теъорар темир йўл ва автомобиль йўллари қурилишида кўпроқ лойиҳаларни амалга ошириши, миллий валюта айирбошлаш ва банк филиалларини очиб орқали икки давлат ўртасидаги молиявий ҳамкорликни янада мустахкамлаш мумкин. Ўзбекистон фойдали қазилмаларга бой ва бу йўналишда ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга бўлади.

— Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва келгусида бу борада қандай янги лойиҳалар кутилмоқда?

— Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам таълимга катта аҳамият беради. Ўзбекистон таълим соҳасига “Янги Ўзбекистон” тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарайди. Икки давлат раҳбарларининг катта эътибори туфайли Хитой — Ўзбекистон таълим соҳасидаги ҳамкорлиги изчил ривожланимоқда.

Сўнгги йилларда хитой — ўзбек йўналишида хорижда таълим алмасуви кенгайиб кетди. Хитойда 5 мингта яқин ўзбекистонлик талаба тахсил олмоқда. Хитой ҳар йили Ўзбекистонга хорижда ўқиш учун 100 га яқин давлат стипендияларини, шунингдек, чет элда таълим олиш учун қўллаб-қувватловлар остидаги дастурларини тақдим этади. Хитой тили ўқитувчилари ва ўқитувчиларини Ўзбекистонга буюрилади ва хитой тили курсларини очилиши қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, икки давлат университетлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон ва Шинжон ўртасидаги алмашинув ва ҳамкорлик ижобий тенденцияни кўрсатди. Шинжон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятига қандай қарайсиз? Айрим Ғарб давлатлари Шинжон ҳақида салбий фикрда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Шинжон кенг ҳудудга, бой махсулотларга ва қўллаб-қувватловга эга. Аини пайтда халқнинг биргаликдаги сайё-ҳаракатлари билан Шинжон иқтисодиёти изчил ривожланиб, жамият тинч ва барқарор, халқ фаровонлиги юксалиб бормоқда. Аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромади 9 фозга ошди. Одамлар қашшоқликдан қутулиб, 10 миллиондан ортиқ турли миллат вакиллари янги йилларга кўчиб ўтди. Тўққиз йиллик мажбурий таълим тўлиқ қамраб олинди, табиий сурғуртада иштирок этиш кўрсаткичлари эса 95 фоздан ортиқ даражада барқарорлашди. Шинжонда ўтган йили эркин савдо зонаси ташкил этилди. Бу очиклини янада қулайитириши ва юқори сифатли иқтисодий ривожланишга ёрдам беради. Айтиш мумкинки, Шинжон тарихдаги энг яхши равнақ ва тараққиёт даврини бошдан кечирмоқда.

Бироқ баъзи Ғарб оммавий ахборот воситалари ва Хитойга қарши сиёсатлар томонидан Шинжоннинг ривожланиши, аҳолисининг ҳозирги ютуқлари нотўғри талкин қилинаётгани сир эмас. Аммо фактлар сўздан кўра, бундай рақобатлар ва ҳақиқатни яшириб бўлмайди.

Шинжон масаласи ҳеч қачон инсон ҳуқуқлари, миллати ёки динига эътибор, балки ўзривон терроризм, сепаратизм ва радикализмга қарши курашиш. Бир пайтлар ўзривонлик ва терроризмга дучор бўлган Шинжон ўзининг бугунги фаровонлиги ва барқарорлигини янада қадрайди.

Сўнгги йилларда Шинжонга мамлакатлардан 2000 дан ортиқ сиёсатчилар, экспертлар, диний етакчилар ва бошқа вакиллар ташриф бурди. Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва бошқа кўп томонлама инсон ҳуқуқлари форумларида 100 га яқин давлат Хитойни очик қўллаб-қувватламоқда, бу эса адолат ҳақида халқ қалбида эканини тўлиқ намойиш этади.

Ўзбекистон узоқ вақтдан буён Шинжон билан боғлиқ масалаларда Хитойга кучли ёрдам қўрсатиб келади. Бунинг учун Хитой ўз миннатдорлигини билдиради. Шинжон ва Ўзбекистон халқларининг умумий жиҳатлари кўп. Булар — маданият, география ва тил. Ўзбекистон Шинжон билан ҳамкорликка катта аҳамият беради. Ўтган йили Шинжон-Уйғур автоном райони КПК партия қўмитаси котиви Ма Синруй, Шинжон-Уйғур мухтор вилояти ҳукумати раиси ўринбосари ва Шинжондан бир қанча делегациялар Ўзбекистонда бўлиб, Шинжон махсулотлари, сармоялари кўргазмасини ўтказди. Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва Қорақалғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Аманбай Оримбаев Шинжонга навбатма-навбат ташриф буюриб, Хитой томони билан ҳамкорликка қатор янги келишувларга эришти. Уларнинг фикрича, шамол энергетикаси, фойдали қазилмаларни илгор қайта ишлаш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим, туризм ҳамкорлигини муҳим йўналишларидир. Яқин келажакда Хитой ва Ўзбекистон Шинжонда муҳим тадбирлар ўтказсади, бу ҳамкорлик учун янги имкониятлар очади, деб ишонамиз.

— Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

— Элчи бўлганимча хизмат сафари билан Самарқандда бўлганман. Гарчи қисқа муддат бўлса-да, Ўзбекистоннинг узоқ тарихи ва аjoyиб маданияти менда чуқур таассурот қолдирган. Ўзбекистонга элчи бўлганимдан сўнг бу мамлакатни янада чуқурроқ билиш имконига эга бўлдим. Бу оддий тасодиф эмас, тақдир совгасидир. Юртингизда қадимийлик замонавийлик билан кесишади. Шарқ ва Ғарб маданияти уйғунлашиб, бу юртга ўзига хос жозиба бағишлайди. Бу ерда табиий гузаллик бор, чўллар, тоғлар ва воҳалар бир-бирини тўлдирди. Бу ерда ёрқин цивилизация мавжуд. Баланд бинолар ва қадимий масжид ва ибодатхоналар бир-бирига халақит бермайди. Одамлари илиқ ва дўстона, жамиятда тартиб ҳукмрон. Қовун ва мевалар шўнчалик мазали ва хўшбўйи, улар оғзида эрийди, айниқса, уларни етиштириш бу ҳақиқий санъат.

Аини пайтда ўзбек таоми бўлиши паловини эслатиб ўтмасдан иложим йўқ. Айтишларича, мамлакатда паловнинг минглаб рецетплари бор ва ҳар бир вилоят уни турлича пилишди. Ўзбек таомларидан табиб кўраб эканман, халқнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги, бағрикенглигини чин дилдан ҳис қилганман. Менга Ўзбекистоннинг, покиза, меҳрибон, қалби кенг халқи ва бу ердаги барча нарсалар ёқади.

Хулоса қилиб айтганда, 2024 йил Хитой Халқ Республикаси ташкил топганига 75 йил бўлади. Бу йил имконият ва умидлар йили бўлиб, Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлигида янада самарали натижалар ва янги ютуқлар кутилмоқда. Ўзбекистон — Хитой раҳбарларининг бўлажак учрашуви эса давлатларимиз ўртасидаги муҳим келишувларни амалга ошириш, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатликини янада мустахкамлашда муҳим пойдевор бўлади.

ЎЗА муҳбири
Гўзал САТТОРОВА
суҳбатлашди.

Биз ва дунё

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНИБ, ЯНГИ СУРЪАТ КАСБ ЭТАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга бўлажак давлат ташрифи жаҳон оммавий ахборот воситалари нигоҳида

Хитойнинг “Синьхуа” ахборот агентлиги, “Жэньминь Жибао”, “Global Times”, “China Daily” газеталари, “Beijing Review”, “Китай”, “Diplomat Magazine” ва “Lookwe” журналлари, CCTV ва CGTN телеканаллари сингари етакчи оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар, замонавий тараққиётга бағишланган ўндан ортиқ таҳлилий мақола, интервью ва репортаж эълон қилинди.

Бундан ташқари, “Lookwe” ва “Psearcher” журналларининг Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг асосий воқеаларига бағишланган махсус сонни хитой ва инглиз тилларида босиб чиқди.

CHINA DAILY

Хитойнинг инглиз тилидаги нуфузли “China Daily” газетасида “Ўзбекистон билан мустахкам алоқалар тараққиётга ҳисса қўшмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Нашр ёзганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Раиси Си Цзиньпин тақлифига биноан сешанба кунин уч кунилик ташриф билан Хитойга борди.

Хитой босма нашри, шунингдек, бу Ўзбекистон раҳбарининг ўтган йилнинг октябр ойида Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги иштироки ҳамда 2023 йил май ойида ушбу мамлакатга давлат ташрифини расмий вакили Си Цзиньпиннинг ташрифи бўлишини таъкидлаган.

“Бўлажак давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг юксак даражасини ҳамда икки мамлакат етакчилари ўртасида чуқур дўстликни тўлиқ намойиш этади, — деб ёзган “China Daily” Хитой Ташқи ишлар вазирилик расмий вакили Мао Ниннинг баёнотида таъиниб. — Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида маданият, таълим ва минтақавий ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш, ҳар икки давлат ва халқларга янада катта фойда келтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди”.

Мисрнинг “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги “Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик янги босқичда” сарлавҳали мақолани тарқатди.

“Жорий йилнинг 23-25 январь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Хитойда бўлади. Ушбу муҳим давлат ташрифи, албатта, юксак аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва

чуқурлаштиришга янги суръат бағишлайди, — дейилади мақолада. — 30 йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон ва Хитой ўзаро сиёсий ишончини изчил мустахкамлаб, тенглик, дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, манфаатдорлик, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларини ривожлантириб келмоқда”.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги кунда кузатилаётган бутун спектри ривожнинг юқори динамикаси ушбу тенденция янада кучайиб, янги суръат касб этишини таъкидлаш учун барча асосларга эга. Экспертга кўра, давлатлар бу билан тўхтаб қолмаслиги керак, икки томонлама ҳамкорликни мустахкамлашда давом этиш муҳим.

“Олий даражадаги бўлажак музокаралар икки томонлама ҳамкорлигини янада юксак босқичга олиб чиқишга, аънанавий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустахкамлашга, шунингдек, кўп қирралли стратегик шерикликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилашга хизмат қилади”, дейилади мақола интиҳосида.

Жанубий Кореянинг етакчи “Diplomacy Journal” нашрида ҳам давлатимиз раҳбарининг Хитойда бўлгуси ташрифи бағишланган мақола жойлаштирилди.

Нашрда таъкидланишича, давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва сайё-ҳаракатлари

туфайли 2022 йил сентябрда икки томонлама муносабатлар янги даврда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бу уларнинг қарашлари ва геосиёсий устуворликни ўқшашлигини, ҳамкорлигини янада юқори босқичга олиб чиқиш ва уни янги мазмун билан тўлдиршига ўзаро интилишларини акс эттирди.

Мақола хулосасида айтилганидек, олий даражадаги бўлажак учрашувлар, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорлигини янада юқори босқичга олиб чиқишга, аънанавий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустахкамлашга, шунингдек, кўп қирралли стратегик шерикликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

swif news

Саудия Арабистонининг оммабон “Swift News” электрон нашри эълон қилган “Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик янги даврда” сарлавҳали мақолада ёзилганидек, жорий йилнинг 23-25 январь кунлари Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи ўзаро алоқалар кенгайтиришга янги суръат бағишлаб, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада чуқурлаштириди.

Мақолада аини пайтда дунёда геосиёсий кескинликлар ва беқарорлик кучайиб бораётганига қарай, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар ўз ривожланишининг энг яхши босқичини бошдан кечириб, икки томонлама ҳамкорликнинг намунали моделини намойиш этаётгани алоҳида қайд этилган

Янги Ўзбекистон орзуси

МУНОСИБ РАҲБАР

У ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?



Одил ОЛИМЖОНОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

2016 йилгача бўлган даврда умумий ўрта таълим тизимида ҳам аҳвол оғир эди. Айрим мактабларнинг синфларида 40-50 нафаргача ўқувчи ўқир, дарсликлар мазмуни замонавий талаблардан анча орқада қолиб кетган, иш ҳақи кам бўлгани туфайли соҳадан малакали мутахассислар кетиб қолган, шу боис, таълимнинг сифати паст эди.

Бу соҳада ҳам кескин ўзгаришлар бошланди. Жумладан, "Йилга 500 минг ўқувчи ўрни" дастури ишга туширилди, яъни ҳар йили энг камидан 500 минг ўқувчи ўрни яратиш талаби қўйилди. 200 га яқин Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар ҳамда юзлаб хусусий мактаблар ташкил қилинди. Энг муҳими, ўқитиш тизимига замонавий методика, сифат ва рақобат кириб келди.

Бу сай-ҳаракатлар таълим соҳасида чуқур ўзгаришларга асос бўлди. Жумладан, бошлангич синф дарсликлари илгор хорижий тажриба асосида тўла янгиланди. Мактабларда ишлаш учун таълим тизими шакланган давлатлардан юзлаб муаллимлар ишга олиб келинди. Бугун энг чекка қишлоқ мактабларида ҳам хориждан келган ўқитувчи ишлайётгани оддий ҳолга айланган қолди.

Яқин ўтмишда олий ўқув юртига ўқишга кириш ҳам ўта мураккаб муаммага айланган, бу асосан амалдор ва пулдорларнинг қўлидан келадиган иш эди. Ушбу даврда камбағалнинг боласи институтда ўқишни ҳавас ҳам қилмай қўйган. Чунки олий таълим билан таъминлаш даражаси ўта пасайиб кетганди. Бу соҳада ҳам кескин изчил ва жадал силжиш кузатилди. Қабул квотаси 2016 йилги 9 фойздан 42 фойзга, ОТМлар сонини эса 77 тадан 200 дан зиёдага етказилди. 30 та нуфузли хорижий университет ва филиаллари очилди. Узоқ туманларда ҳам институтлар ташкил этилди. Мактаб битирувчиларининг

50-60 фойзига олий ўқув юртига кириш имконияти яратилди.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, самарадорлигини таъминлаш, ишга қабул қилишнинг шаффоф тизimini яратиш, мамлакатда давлат орган ва ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий бизнес ва тадбиркорлик мактаби, вазирлик ва идораларнинг кадрлар малакасини ошириш институтлари, ўқув марказлари ва курслари фаолияти тубдан қайта қурилди ва кенгайтирилди. Улар кадрлар тайёрлашда хорижий илгор ҳамкасблари билан алоқаларини йўлга қўйди.

Айни пайтда раҳбарлар фаолияти самарасини ошириш борасида ҳам туб ўзгаришлар қилиняпти. Жумладан, мамурий ислохотлар натижасида давлат хизматчилари халққа анча яқинлашди, "маҳаллабай" ва "хонадонбай" ишлаш тизими йўлга қўйилди, соҳа ходимларига самарали ишлаши учун муносиб шaroит яратилди. Натигада давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар улushi олдинги 37 фойздан 61 фойзга кўтарилди.

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди ва у 2022 йил 10 ноябрдан қучга кирди. Унга мувофиқ, давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очиқ-ошкора тизими яратилди ва буида очиқ танлов тизими жорий қилинди.

Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги туб ўзгаришлар жамиятга билимли мутахассислар бера бошлади. Лекин янги Ўзбекистонни барпо этиш учун янада кўп салоҳиятли кадрлар керак эди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлашнинг иккинчи йўналишидан, яъни бир қатор янгиланган киришган ҳолда мавжуд мутахассисларни қайта тарбиялаш усулидан кенг фойдаланди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — БЎЛГУСИ МУТАСАДДИЛАР

Мавжуд ҳолатни ўнглаш учун қатор новаторлик таклифлари олга сурилди. Жумладан, ҳали ОТМда ўқиётган талабалар ва ёш мутахассислар орасидан раҳбарликка салоҳиятли ёшлар танлаб олинди. Шу мақсадда Президентимиз шахсан ўзи ёшлар билан учрашувлар ўтказишни йўлга қўйди. Мазкур тадбирлар чоғида иқтидорини намоён этган талабаларнинг дарҳол раҳбарлик лавозимларига тайинланиши ҳам ёшларга зўр мотивация берди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ёки шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун салоҳиятли кадрлар резервини ташкил қилиш тизими жорий этилди. Мазкур резервга номзодлар маҳалла-лардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олинмоқда. Резервга кири-тилаётган мутахассислар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этиляпти. Яъни раҳбарликка номзодларнинг даражасига қараб, билан ва кўникмаси етмаганлар ўқитиляпти, тажрибасизларига эса бошқарув малакаси махсус ўргатиляпти.

Тасаввур қилинг-а, у ҳали талаба ёки маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси вазифасида энди иш бошлаган ёш кадр, лекин соҳаси бўйича катта раҳбарлик лавозимига тайинланмоқда. Бу янгиланишнинг мамлакатимиз ёшларига қанчалик ижобий таъсир қилганини сўз билан тушунтириш қийин. Илм ҳолати интилишининг қайта тикланишида ёшларни раҳбарлик ишларига қамраб олиш жуда катта аҳамият касб этди. Аввало, ёшларда раҳбар бўлишга нисбатан деярли йўқолиб кетган ишонч қайта туғилди. Қолаверса, мана шундай йўллар билан ҳам янги Ўзбекистонни барпо этишга қўллаб ёш кадрлар жалб қилинди.

ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАМОАСИ

Хорижий давлатларда ўқиётган ва ишлаётган ватандошларимиз билан яқин ўтмишда ҳеч қандай шугулланмасди. Президентимиз АҚШга давлат ташрифи чоғида у ердаги ватандошларимиз билан учрашгани ва уларни ўша жойдаги шарт-шарoитини сақлаган ҳолда Ватанимизга ишга таклиф этгани Ўзбекистон сиёсатининг бутунлай ўзгаришини намоён этди. Бундай учрашувлар бошқа қатор ривожланган давлатларга олий даражадаги ташрифларда ҳам ташкил этилди.

Нуфузли хорижий университетларни битирган, ҳақиқий бозор иқтисодиёти шарoитида ишлаган, уни ўз ҳаётида кўрган юрдошларимизни мамлакатимизга ишга жалб қилишнинг аҳамияти ҳам жуда катта бўлди. Уларнинг кўпи фаолиятда жиддий ютуқларга эришган шахслар эди. Хориждан ватандошларимизнинг юрми-зига қайтиб келиши ўз самарасини берапти. Улар орасидан вазирлар, нуфузли ташкилот ва идоралар раҳбарлари чиқди ва қатор соҳа ва тармоқларда аллақачон етакчиликини ўз қўлига олди.

РАҲБАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИГАН "АКАДЕМИЯ"

Бўлгуси раҳбарларни тайёрлаш ва тарбиялаш амалиётига жуда катта аҳамият олиб қилинди. Яъни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий



ривожланишнинг ташкил этиш ва бошқариш жараёнида бугун жаҳонда янги ҳодиса сифатида эътироф этилаётган икки усул жорий қилинди.

Бу усуллардан биринчисининг моҳияти шундаки, муайян вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнини бошқариш бўйича тегишли фармон ва қарорлар, лойиҳалар Тошкентда — кабинетларда эмас, худудларнинг ўзидан марказий идоралар, маҳаллий ташкилотлар вакиллари ва тадбиркорлар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Бунда ташрифта тайёрларлик ва уни ўтказиш мобайнида мутасадди ташкилотлар томонидан юзлаб лойиҳа тайёрланади ва улар ичидан энг самаралилари танлаб олинади. Тахлилларга кўра, мазкур лойиҳаларни бажариш худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта туртки берапти ва аҳоли турмуш даражасини сезиларли равишда оширишга хизмат қиляпти.

Иккинчи усул мамлакатни бошқаришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилишда видео-селектор йиғилишларидан моҳирона фойдаланиш билан боғлиқ. Жаҳоннинг ақсариёт давлатларида мамлакат етакчиси бирор масаланинг муҳокамаси ва уни ҳал этиш чоғида чора-тадбирларини муаммага дахлдор 10-15 вазирлик ва ташкилот мутасаддилари иштирокида тор дорада хал этиши одат тусига кирган. Давлатимиз раҳбари бу масалага ҳам жуда катта аҳамиятга эга янгиллик олиб кирди. Вилоятларга ташрифлар каби видео-селектор йиғилишларида ҳам муҳокама қилинаётган масаланинг барча жиҳатини қамраб оладиган вазирлик, идора, вилоят ва шаҳар (туман) ташкилотлари раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассисларнинг қатнашиши бўлгуси раҳбарларда

тайёрлашга катта ёрдам бермоқда. Чунки фақат марказий идоралар раҳбарлари билан ўтказиладиган йиғилишларда қабул қилинадиган қарор ва чора-тадбирлар масалани тўла очиб бериши қийин. Қолаверса, бу йиғилишда қатнашган раҳбарлар кейин ўз идорасида мазкур масала бўйича қабул қилинган қарор ва чора-тадбирларни бажаришни муҳокама қиладди. Ана шундай муҳокама-лар вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг бу масалага алоқадор ташкилотлари раҳбарлари билан ҳам ташкил этилиши лозим.

Тўғри, тан олиш керак, ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий жараёنларнинг ўзини ўзи бошқариладиган тизими яратилган ва биз ҳам яқин келгусида шу йўлга ўтишимиз маълум. Бугун эса мазкур ташрифлар ва видео-селектор йиғилишлари чоғида Президентимиз раҳбарларини тарбиялаш, онгини ўзгариштириш, уларни халққа яқинлаштириш орқали ана шундай тизим яратишга тайёрламоқда. Соддароқ қилиб айтганда, вилоятларга ташриф ва видео-селектор йиғилишларига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш амалиёти вазирлик, идора ҳамда ҳокимликлар раҳбарлари, мутахассислари учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий бошқаришнинг замонавий усулларини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб вазифасини бажармоқда.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Мамлакатимизда одамлар билан тўсиқлар-сиз, муттасил мулоқот қилиш тизими яратилди. Бунинг учун Президентнинг халқ қабулхоналари, бош вазир виртуал қабулхонасини ташкил этилди, бошқа раҳбарларнинг худудларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказила бошлади. Виртуал ва халқ қабулхоналари ҳамда жонли учрашувларда фуқаролар муаммоларини тўғри-дан-тўғри етказиш ва зудлик билан ҳал этиш тизими яратилди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, халқ қабулхоналари тизими янги раҳбарларни тайёрлаш усулига ҳам айланди.

Чунки барча бўғиндаги мутасаддиларнинг фаолияти одамлар ташвишини ҳал қилишга қаратилди. Ҳамама идора ва ташкилотларда

"Фуқаролар қабулхоналари" ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги тузилди ва шу йўл билан битта ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришидек бесама ҳолатта барҳам берилди. Одамлар овоза бўлиб 10-15 идорадан оилаб йиғадиган ҳужжатларни битта ташкилотдан оладиган бўлди. Бугун халқ арзини айтгани идораларга эмас, аксинча, амалдорлар аҳолининг олдига бормоқда. Бу янгилıklar ҳам раҳбарлар ва халқнинг онгини кескин ўзгариштирди. Амаал эгалари, аслида, ҳалқ хизматида бўлиши кераклигини тушуна бошлади.

ОЛДИНДАГИ РЕЖАЛАР

Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессансинг пойдеворини яратиш борасида катта ютуқларга эришилди. Шундай бўлса-да, бу борода қиладиган ишимиз хали кўп. Барқарор иқтисодий ўсшни таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қаматириш, янги иш ўринлари яратиш, эҳтиёжман оила-ларга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш борасида Тараққиёт стратегиясида зарур вази-фалар белгиланган. Улар ҳам муваффақиятли бажарилди.

Юрдошларимиз турмуши фаровон бўлиши учун жой куйдириб қилинаётган сай-ҳаракат-лар ижобий натижалар бера бошлаганини кўриб туримиз. Халқнинг ҳаёти янада яхши бўлиши учун юзлаб завод ва фабрикалар қуриляпти. Давлат ҳам тобора кўпроқ қулайлик яратиш бер-моқда. Ўз вазифасини яхши эда этмолаётган ай-рим амалдорлар туфайли юз бераётган хато ва камчиликлар тезда бартараф этилаётганига ҳам гувоҳ бўляймиз. Фуқароларда давлатдан рози-лик ҳисси қучаймоқда.

Янги Ўзбекистонда халқни рози қилиш — барча раҳбарнинг энг устувор вазифаси. Халқ-нинг ишончини, меҳрини қозониш эса энг олий саодатдир. Янги давлатни куриш фақат раҳбар-ларнинг эмас, барчамизнинг ишимизга айлан-моғи лозим. Бу улуг мақсадга эришиш учун ҳаммининг биргаликда ҳаракат қилиши тақозо этилади. Президентимиз таъбири билан айтган-да, "Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, Янги Ўзбекистонни, албатта, бунёд этамиз." Учинчи Ренессанс асосларини яратиш, миллий юксалишга эришимиз, баркамол ва фаровон жа-мият барпо эта оламиз.

"Ўзбекистон — 2030" стратегияси

"СЕРВИС ДАВЛАТ" ТИЗИМИ

Фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам берадими?



Анвар МИРКОМИЛОВ, "Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда ушбу қарор ижроси бўйича салмоқли ишлар бажарилганини қайд этиш жоиз. Хусусан, ҳужжатда фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини қучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар халқимиз-нинг нафақат ҳаёт тарзини, балки дунёқараши-ни тубдан ўзгариштириш, юртимиздаги ислохот-ларга дахлдорлик тўғрисидаги ишларда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда маҳал-ла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги



дар 24 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Маҳалла маблағларини аҳолининг овозига кўра, ўша худуддаги муҳим масалалар — йўл, ичим-лик сув, электр тармоқлари ва газ таъминоти-ни яхшилаш каби инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётини жорий қилиш, маҳал-лалар учун "Очиқ бюджет" имкониятларини

кенгайтириш, унга ажратиладиган маблағларни босқичма-босқич 3 баробар ошириш режа-лаштирилган.

Мазкур вазифа юзасидан 2023 йил якунла-рига кўра 4,5 триллион сўм, бошқача айтганда, 2022 йилга нисбатан 2 триллион сўм кўп маб-лағ йўналтирилди. Ушбу миқдорни 2024 йил мақсади кўрсаткичларига кўра, 12 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Жамоатчилик фикри асосида бюджет маблағлари ажратилиши аҳолининг мазкур жараёнда бевосита иштирок этиши орқали йўналтирилиши зарур бўлган ма-салалар устуворлигини белгилаш, ижтимоий ва инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ман-зилли ҳал этиш имконини бермоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини оши-риш, жойлардаги муаммоларни қисқа му-датда ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни мо-дификация қилиш ва қайта кенгайтириш чо-ра-тад-бирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2023 йилдан бошлаб "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳал-ла" дастурлари ҳам жамоатчилик фикри асоси-да шакллантирилиши белгиланди.

"Ташаббусли бюджет" сингари лойиҳалар фуқароларнинг турмуш шарoитини яхшилаш

кенгайтириш, унга ажратиладиган маблағларни босқичма-босқич 3 баробар ошириш режа-лаштирилган.

Мазкур вазифа юзасидан 2023 йил якунла-рига кўра 4,5 триллион сўм, бошқача айтганда, 2022 йилга нисбатан 2 триллион сўм кўп маб-лағ йўналтирилди. Ушбу миқдорни 2024 йил мақсади кўрсаткичларига кўра, 12 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Жамоатчилик фикри асосида бюджет маблағлари ажратилиши аҳолининг мазкур жараёнда бевосита иштирок этиши орқали йўналтирилиши зарур бўлган ма-салалар устуворлигини белгилаш, ижтимоий ва инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ман-зилли ҳал этиш имконини бермоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини оши-риш, жойлардаги муаммоларни қисқа му-датда ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни мо-дификация қилиш ва қайта кенгайтириш чо-ра-тад-бирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2023 йилдан бошлаб "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳал-ла" дастурлари ҳам жамоатчилик фикри асоси-да шакллантирилиши белгиланди.

"Ташаббусли бюджет" сингари лойиҳалар фуқароларнинг турмуш шарoитини яхшилаш

эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш имко-нини бермоқда.

2018 йил ягона интерактив давлат хизматла-ри портали — my.gov.uz орқали юрдошларим-изда 127 та давлат хизматида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган бўлса, биргина 2023 йил давомида 205 та янги хизмат тури жорий қилиниб (2022 йилнинг шу даврига нисбатан ўсш 154 фойз), бугунги кунда 575 та давлат хизматида онлайн фойдаланиш имконияти яратилди.

2023 йилда мамлакатимиз аҳолиси қуйидаги давлат хизматларидан энг кўп фойдаланган: — яшаш жойи тўғрисида (2,2 миллион); — ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида (1,6 миллион); — солиқлар ва йиғимлардан солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш (1,45 миллион); — болани боғчага жойлаштириш хизмати (837 минг маротаба).

Шунингдек, 2023 йил давомида Ягона пор-талда ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилаш (55 мингта ҳайдовчилик гувоҳномаси фуқароларга етказилган), спортчи паспортини бериш (66 мингдан зиёд спорт паспортлари берилган), та-лабалар турар жойига жойлаштиш (талабаларга 28 мингта йўлланмалар тақдим этилган), умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома олиш (8 мингта шаҳодатнома онлайн юклаб олинган) каби янги электрон хизматлар жорий этилга-ни алоҳида эътирофга лойиқ. Ўтган йил якуни бўйича электрон шаклда кўрсатилётган хиз-матлар улushi республика бўйича 64 фойзга ташкил этилди.

Бу хайрли ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттириляпти. Табиийки, бу сай-ҳаракатлар халқимизнинг турмушини обод этиш, худудлар қиёфасини замонавийлашти-риш, энг муҳими, халқимизни рози қилишда ўз самарасини бераётди.

Таҳлил ва таққос

ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР АСОСИДАГИ ФАОЛИЯТ



“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖда олтин ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда қўл келмоқда

Бошланиши 1-бетда
Минг бир хайри ишлар



Яна бир муҳим жиҳат, илгари ишлаб чиқариш корхонаси қурилади, мураккаб дастохларни қўя турайдик, ҳатто оддий усқуналар ҳам чет элдан валюта эвазига харид қилинган. Бу борада олиб борилган тинимсиз изланишлар туфайли шу амалиётга ҳам барҳам берилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги қувватлар учун зарур бўлган асбоб-усқуна ва жиҳозларнинг аксарияти комбинатнинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Биргина Навоий машина-созлик заводи йилга ўртача 15 миң турдан зиёд импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрланадиган. Мисол учун, 7-гидрометаллургия заводи қурилишида қўлланилган асосий

— Комбинатда 2023 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида 12 та лойиҳа бўйича 473,5 миллион долларлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, — дейди комбинат капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Мирзабой Алқаров. — Шу жумладан, 5 та лойиҳанинг мuddатидан олдин фойдаланишга топширилгани ҳам алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш қувватларини ошириш доирасида механик-йиғув цехининг янги участкаси қурилиб, замонавий, самардорлиги юқори дастохлар билан жиҳозланди ҳамда қўйимчилик цехида 25 тонналик замонавий металл эритиш печи ишга туширилди.

Бундан ташқари, 2-гидрометаллургия заводида ишлаб чиқаришнинг рақамлаштирилган ягона бошқарув маркази, “Мурунтов” оҳақтош қонида майдалаш-саралаш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Комбинат тарихида илк бор жамоа кучи билан “Турбай”, “Баллантов” ва “Томдубулок” қонларини гидрометаллургия заводлари билан боғловчи 82,6 километрлик янги темир йўл линиялари қурилди.

2023 йилда комбинатда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича жами 629,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саноат кооперацияси доирасида маҳаллий корхоналардан 5,5 триллион сўмлик маҳсулот харид қилинди. Комбинат таъриби сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “шатакка олиш” механизми жорий этилган туфайли саноат кооперацияси алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Мисол учун, Ташкент вилоятидаги “Lider Rem Prom” корхонасида қўзғатувчи тишли валларга дастабки ишлов бериш, Навоий вилоятида жойлашган “Navpromlitmash”да оралик фильтер-галвир, “Gidro Stanko Servis”да вибрацион галвирларни, “GAUCH” корхонасида полимеретан маҳсулотларни, “Latem-Metal”, “Istiqloq yulduzi omad”, “Shohruh Dildora”, “Xomashvo sifat servis”, “Registon”, “Sharq qurilish servis” каби тадбиркорлик субъектлари билан махсус чўндан қўйма маҳсулотлар, конвейер ро-



ноёб технологияни яратиб ҳамда бу ихтирони назарий ва амалий жиҳатдан нафақат республикада, балки халқаро миқёсда ҳам исботлашга муваффақ бўлди. Унинг жорий этилиши туфайли 3-гидрометаллургия заводида чиқиндида йилга қўшимча равишда 1,5 тонна олтин олинмоқда. Кўп йиллик машаққатли изланишлар, аниқ исбот ва далиллар дунёда ҳам тан олинди, халқаро патентга эга бўлди.

Президентимизнинг 2022 йил 12 декабрдаги фармонида мувофиқ, бир гуруҳ олим ва мутахассисларимиз томонидан яратилган илмий-амалий ишланмаимиз биринчи даражада Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Халқаро тамойилга кўра, дунё бозорига чиқиш учун юқори сифатли қимматбаҳо металллар реализацияси билан шуғулланувчи Лондон олтин қўймалари бозори ассоциациясининг “Оптимал етказиб берувчи” макомига эга бўлиш зарур. Бу маком доимий берилмайдиган, ҳар

Кейинги йилларда жамият фаолиятини янада ривожлантириш, замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, маҳсулот рақобатбардошлигини янада ошириш, мавқуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва энг асосийи, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида амалга оширилган ишлар қўлами ҳам катта. Хусусан, хорижий инвесторлар талабларига мувофиқ, халқаро аудиторлик компанияси иштирокида Глобал ташаббускорлик ҳисоботи (GRI) стандартларига асосан, барқарор ривожланиш ҳисоботи (ESG) тайёрланди. Бизнес-жараёнларни оптималлаштириш лойиҳаси доирасида “IC ERP: холдинги бошқариш” бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни юритиш электрон тизими жорий қилинди. НКМК балансида бўлган қимматбаҳо металллар захиралари Австралия кодекси JORC Code стандартлари талаблари асосида қайта баҳоланди. Халқаро экспертлар ва етакчи консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларига мос равишда комбинатнинг тубдан янгича корпоратив тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Акциядорлик жамиятининг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида “ҳақ-танхот” тақдирлари билан ҳамкорликда етакчи хорижий компанияларда фаолият юритган мутахассисларни комбинатнинг раҳбарлик лавозимларига жалб қилиш ишлари олиб боришмоқда.

Табиики, халқаро меzonлар асосида ишлаш умумий қиймати 1,2 миллиард долларни ташкил қилиб, маблагларни тақдим этишда “JP Morgan & Chase”, “Cit”, “Societe Generale”, “Credit Suisse”, “ICBC Standard”, “Halyk Bank” ва “Deutsche Bank” каби банклар иштирок этмоқда. Маблаглардан жамиятнинг умумий корпоратив мақсадлари ва инвестиция дастурини молиялаштириш учун фойдаланилмоқда.

Комбинат мамлакат иқтисодиёти ривожиди ҳам муҳим ўрин тутди. Биргина 2023 йилда 67,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2022 йилдагига нисбатан 103,8 фоз бўлиши таъминланди, маҳсулот таннархи 5,6 фозга камайтирилди, давлат бюджетига 37,3 триллион сўм тўловлар амалга оширилди, 1445 та янги иш ўрни яратилди.

технологик усқуналар мазкур корхонада ишлаб чиқарилиши эвазига 50 миллион долларга яқин маблаг тежалди.

— Бундан тўрт йил муқаддам комбинатимизнинг таъриби муҳандис ва мутахассислари томонидан техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ҳали дунё амалиётида бўлмаган яна бир ноёб инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. — дейди 7-гидрометаллургия заводи директори Фарҳод Чўлпиев. — Олимлар билан ҳамкорликда мазкур муаммолар ечими бўйича янги технологияларни яратишга эришилди ва улар асосида ишлайдиган корхонамиз ишга туширилди. У йилга 16 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга ва юқоқ технологиялар асосида тўлиқ рақамлаштирилган.

Комбинатда Инвестиция дастури доирасида йирик ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўтган йили лойиҳа қиймати 274,7 миллион долларга тенг бўлган “Пистали” қонида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси — 6-гидрометаллургия заводи иш бошлади. Заводда йилга 4 миллион тонна маъдан қайта ишланиши ва олтин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Заводнинг асосий технологик усқуналари ва жиҳозлари Навоий машинасозлик заводида тайёрланди ва комбинат қурувчи-мутахассислари томонидан ўрнатилди.



ликлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш бўйича йўлга қўйилган ҳамкорлик янги самара бермоқда.

Юртимизда таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларнинг билим олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қўлайликлар яратиш бўйича кенг қамровли ишлар давом этмоқда. 2023 йилда комбинат томонидан Томди тумани ҳудудида 504 ўринли иختисослаштирилган мактаб-интернати ва Қизилтепа тумани “Тўдақўл” дам олиш базасида Халқаро шахмат тенг бўлган “Пистали” қонида олтин таркибли мажмуаси ҳам ўтган йили қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу, албатта, ёшлар орасидан халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, жаҳон чемпионолари етишиб чиқишига имконият яратди.

Кашфиёт ва халқаро меzonлар

Бугунги шиддаткор замонда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ривожланиб, глобал рақобат кучаймоқда. Бунинг натижасида ҳар бир соҳада инновацион технологияларга асосланган ангилликлар яратиш ҳаётини заруратга айланган.

Бу борада технология ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ҳамда ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга доир ишланма ана шундай илмий ихтиролардан бири ҳисобланади.

— Комбинатимизда мазкур ишланма устида иш 2009 йилда олим ва мутахассисларни жалб этилган ҳолда бошланган эди, — дейди НКМК бошқармаси технология бўлими бошлиғи Ўринбосари, техника фанлари доктори Улуғбек Эргашев. — Қарийб ўн йил давомида изчил илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилиб, уч мингдан ортиқ муваффақиятли ҳамда муваффақиятсиз таърибалар ўтказилди. Натижада

Комбинатнинг 2022 йил фаолиятига “Делойт ва Туш” халқаро аудиторлик компанияси ҳулосаси асосида 2023 йил 19 июнь кунин Лондон қимматбаҳо металллар бозорининг RGG (Responsible Gold Guidance) “Олтиннинг масъулиятли бошқариш бўйича қўлланма” сертификатига ҳам олинди.

уч йилда қайтадан тасдиқлашни такозо этди. НКМК ана шундай муваффақиятга изчил эришиб келаяпти.

2023 йил 26 июнь кунин Лондондан хушхабар келди. Олтин қўймалари бозори ассоциацияси НКМКнинг юқори сифатли маҳсулотини ишончли ишлаб чиқарувчи сифатида “Оптимал етказиб берувчи” макомини яна бир бор тасдиқлади.

— Лондон қимматбаҳо металллар бозорига ўз маҳсулотини сотадиган барча компаниялар олтин етказиб бериш масъулияти бўйича кўрсатмага риоя қилиши шарт. — дейди комбинат техник назорат хизмати бошлиғи Бахтиёр Холмуродов. — Аслида, бу ҳар йили компанияларнинг мустақил халқаро аудит текширувларидан ўтшини аниқлатади. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган олтиннинг барча талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлайди.

Комбинатнинг 2022 йил фаолиятига “Делойт ва Туш” халқаро аудиторлик компанияси ҳулосаси асосида 2023 йил 19 июнь кунин Лондон қимматбаҳо металллар бозорининг RGG (Responsible Gold Guidance) “Олтиннинг масъулиятли бошқариш бўйича қўлланма” сертификати ҳам олинди.

Олдинда турган залворли ишлар

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган стратегиясида кон-металлургия саноати корхоналари олдида катта вазифалар қўйилган. Жумладан, 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар, олтин 1,5 баробар, кумуш 3 баробар, уран 3 баробар ошади.

— Бу борада Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳам ўз олдида катта марраларни қўйган, — дейди Қувондиқ Санақуллов. — Келгуси етти йилда комбинатда 10 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, “Кокпатас ва Довгизов олтин қонлида маъдан қазиб олиш. III навбат”, “Нукракон” ва “Космоначи” қонлирдан кумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, “7-ГМЗ қайта ишлаш қувватини кенгайтириш”, “Мурунтов қонини ўзлаштиришнинг 2-босқичи” каби инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида комбинатда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажми ошади ва минглаб янги иш ўринлари ташкил этилади. Қолаверса, қатор янги юқори технология қувватларини яратишимиз, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўбга чиқаришимиз лозим.

Комбинатда 2017-2026 йилларда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни қўпайтириш дастури доирасида амалга оширилган ишларга тўхталган эдик. Унга кўра, 2026 йилга бориб, олтин ишлаб чиқариши 30 фозга ошириш вазифаси қўйилган. Жамоамизнинг бугунги фаолияти, жасоратли меҳнати аини шунга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Қизилқум кенликлариди жойлашган ўзинга хос мейморий ечимга эга шаҳар улуг шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталади. Маълумки, Навоий ҳазратлари нанкин назм оламнинг султони сифатида, шунинг баробарида улкан бунёдкорлик фаолияти билан ҳам тарихда ёрқин из қолдирган. Негаки, ўз ҳаёти давомида минг бир хайри ишни бажаришни ниёт қилган. Шулардан 366 таси билан қуриш ва таъмирлашдан иборат бўлиб, бу вазифани шараф билан адо этган. Хуллас, алломалар эътирофи эгандек, жаҳон тарихида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик кўп бино қурган, мейморлик санъатини шунчалик завқашқан билан улуглаган эмас.

Демак, бунёдкорлик ва хайрли амаллар навоийлик қончиларга ота-боболардан қолган улуг мерос, десак муболага бўлмайди. Чунки уларнинг фидойи меҳнати ва жасорати билан бепоён дашту далаларда дунёда тенги йўқ корхоналар, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Заркент каби кўркам шаҳарлар бунёд этилди. Энг муҳими, бу анъана давом этмоқда.

— Бугунги кунда комбинат фаолияти географик жиҳатдан янада кенг ҳудудларни қамраган. Яъни Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги турли ишлаб чиқариш бўлималари, қон ва шахталар, 7 та гидрометаллургия заводи унинг таркибига кирди, — дейди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқарув раиси, сенатор Қувондиқ Санақуллов. — Жаҳоннинг бошқа олтин қазиб олувчи компанияларидан фарқи равишда корхонамиз геология-қидирув ишларидан тортиб, тайёр биржа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган узлуқсиз жараёнини назарда тутуви, тугалланган ишлаб чиқаришни амалга оширувчи саноат кластери ҳисобланади.

Мажмуа тараққиётида Навоий кон-металлургия комбинатида 2026 йилгача қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш дастури алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу дастур асосида 2017-2023 йилларда 23 та йирик инвестиция лойиҳаси жорий этилди. Агар комбинатнинг элик саккиз йиллик тарихида тўртта завод барпо этилган бўлса, кейинги етти йилнинг ўзида тўртта корхона, яъни 5-, 6- ва 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати ишга туширилиб, 15 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 25 фоз, кумуш эса 46 фозга, шунингдек, маъдан қазиб олиш ҳажми 2,3 баробар, маъдани қайта ишлаш ҳажми 1,6 баробарга ошди.

Шу билан бирга, комбинат мамлакат иқтисодиёти ривожиди ҳам муҳим ўрин тутди. Биргина 2023 йилда 67,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2022 йилдагига нисбатан 103,8 фоз бўлиши таъминланди, маҳсулот таннархи 5,6 фозга камайтирилди, давлат бюджетига 37,3 триллион сўм тўловлар амалга оширилди, 1445 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибиди корхона улushi ўртача 6,4 республика саноат маҳсулоти ҳажмидаги ҳиссаси 12, давлат бюджети даромадларидаги улushi 16,3 фозини ташкил этади. Энг йирик солик тўловчилар рўйхатида биринчи ўринда туради.

Тараққиётнинг устувор таянчлари

Ёдимизда бор, бир пайтлар комбинатда бирор-бир ишлаб чиқариш қуввати ёки оддий цех ишга тушириладиган бўлса, четдан мутахассислар таклиф қилишга тўғри келарди. Эндиликда маҳаллий кадрлар бой таъриба тўплаб, замонавий технологияларга асосланган, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган корхоналар қуришни, аини чоғда уларни ишлаштириш ҳамда бошқаришни ҳам тўла ўзлаштириб олган.



бири — “ICTWeek Uzbekistan — 2023” АКТ ҳафталигида 95,2 балл билан биринчи ўринга мувофиқ кўрилиб, “Рақамли технологияларни жорий этиш бўйича энг яхши ҳўжалик органи” сифатида тақдирланди. Давлат органлари ва ташкилотларда 2022 йилда шаффоқлик кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган тадбирларнинг натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси”да комбинатимиз 76,2 балл билан юқори погоналардан бирини, акциядорлик жамиятлари кесимида эса 22 та йирик саноат корхоналари ва компаниялари орасида 1-ўрнини эгаллади.

Жорий йилдаги режаларимиз ҳам катта. Рақамлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича “BCG” халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича 9 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Ушбу мақсадларга комбинат томонидан 253,6 миллиард сўм йўналтирилди. Қўллаб ахборот тизимлари тақомиллаштирилди (корхона ресурсларини (ERP), транспорт бошқаруви), янги 4 та ахборот тизими (ҳодимларни бошқариш НСМ, харидларни бизнес-таҳлил тизими В1, лойиҳаларни бошқариш тизими, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасини рақамлаштириш (ESG)) амалга оширилди.

Тоғ-кон соҳасида фаолият юритиб келаятган ПТ соҳасидаги 405 нафар ҳодимнинг билим ва маъласи оширилди, 40 нафар мутахассис халқаро таълим платформалари орқали ўқитилди.

Рақамлаштириш борасида амалга ошириладиган лойиҳалар ва ташкилий техник тадбирлар тоғ жинсларини қазиб олиш ҳажмини 7,4 фозга, маъданларни қайта ишлаш ҳажмини 3,1 фозга ошириш имконини беради. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, операциялар самардорлигини ошириш ҳисобига, 2024 йил 152 миллиард сўм ва 2025 йилдан бошлаб йилга 625 миллиард сўмлик фойда кўрилади.

Комбинатда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишга қаратилган ишлар ҳам жадаллик касб этган. Шу кунга қадар жами 1450 кВт қувватли қуёш фотозлектр станциялари ишга туширилиб, улар томонидан йилга 2,465 миллион кВт/соат қувватга эга электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Режага қўшимча равишда 5750 кВт қувватли қуёш фотозлектр станцияси ўрнатилиши туфайли маъмурий биноларининг электр энергияси бўлган эҳтиёжи тўлиқ муқобил қувватлар ҳисобидан қопланишига эришилди.

Айни пайтда инвестиция лойиҳаси асосида “Ауминэо-Амантой” қони яқинида 220 МВт қувватли қуёш фотозлектр станциясини қуриш бўйича Бирлашган Араб Амирликларининг “Tepelen Group Holding Limited” компанияси билан ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқда. Мазкур станция фойдаланишга топширилгач, йилга 374 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Қуёш сув иситиш қурилмаларининг асосий бутловчи қисмларини комбинатнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, бу эса улар таннархини тенг ярмигача арзонлаштирди. Ўтган йили жами 3346 тона ана шундай қурилма тайёрланди ва ўрнатилди. Шу тариқа уларнинг умумий сони 4993 тага етказилиб, комбинат барча объектларининг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланиши таъминланадиган. Бунинг ҳисобига йилга 1,7 миллион кубометр табиий газ тежашга эришилди.

Олдинда турган залворли ишлар

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган стратегиясида кон-металлургия саноати корхоналари олдида катта вазифалар қўйилган. Жумладан, 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар, олтин 1,5 баробар, кумуш 3 баробар, уран 3 баробар ошади.

— Бу борада Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳам ўз олдида катта марраларни қўйган, — дейди Қувондиқ Санақуллов. — Келгуси етти йилда комбинатда 10 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, “Кокпатас ва Довгизов олтин қонлида маъдан қазиб олиш. III навбат”, “Нукракон” ва “Космоначи” қонлирдан кумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, “7-ГМЗ қайта ишлаш қувватини кенгайтириш”, “Мурунтов қонини ўзлаштиришнинг 2-босқичи” каби инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида комбинатда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажми ошади ва минглаб янги иш ўринлари ташкил этилади. Қолаверса, қатор янги юқори технология қувватларини яратишимиз, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўбга чиқаришимиз лозим.

Комбинатда 2017-2026 йилларда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни қўпайтириш дастури доирасида амалга оширилган ишларга тўхталган эдик. Унга кўра, 2026 йилга бориб, олтин ишлаб чиқариши 30 фозга ошириш вазифаси қўйилган. Жамоамизнинг бугунги фаолияти, жасоратли меҳнати аини шунга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Нуқтаи назар

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” ИНКЛЮЗИВ ВА ОЧИҚ ПЛАТФОРМА БИЛАН ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Дастур стратегиясида “бир макон” сифатида Ғарбий минтақаларнинг машҳур тарихий савдо йўллари бўйлаб денгизга чиқмайдиган Марказий Осиё билан автомобиль ва темир йўл орқали ташвиш учун тавсия этилган куруқлик йўналишлари назарда тутилган бўлса, “бир йўл” сифатида Жануби-Шарқий Осиё орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африкага олиб борадиган Ҳинд-Тинч океани денгиз йўллари кўзда тутилади.

Кайд этиш жонки, “Бир макон, бир йўл” дастури ҳозирги кунда 150 дан ортик давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиб, дастурнинг инфратузилма лойиҳаларига портлар, темир йўллар, автомобиль йўллари, электр станциялари, авиация ва телекоммуникациялар киритилган. Демак, ўтмишда аждоқларимиз босиб ўтган буюк савдо йўллари бутун учун, келажак учун рақамли форматда қайта вужудга келмоқда. Жозибдор жиҳати эса жануби-шарқда асосий тармоғи Ўзбекистондан ўтайдиган, алоқадор давлатлар иқтисодийнинг илдам суруятда ривожлантирадиган қўдратли транспорт ва инфратузилма шаклланиётганидир.

Жаҳон банки тадқиқот ҳулосаларида “Бир макон, бир йўл” ташаббуси иштирокчи давлатлардаги савдо оқимини 4,1 фоизга ошириши, глобал савдо ҳажмларини 1,1 фоиздан 2,2 фоизга қисқартириши ҳамда Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ялли ички маҳсулотини кўтариши мумкинлиги ва айни кўрсаткич ўртача 2,6 дан 3,9 фоизгачани ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бундан ташқари, моливий экспертлар томонидан мазкур ташаббус 2040 йилга бориб, жаҳон ялли ички маҳсулотини йилга 7,1 триллион долларга ошириши мумкинлиги қайд этилади.

Этироф этиш кераки, Ўзбекистон Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида “Бир макон, бир йўл” ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаб келмоқда. Аслида, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳамкорлигининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, ҳар томонлама стратегик характерга эга. Бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ўзаро ишончли алоқалар ҳамкорлигининг асосини ташкил этмоқда.

Хитой компаниялари ва моливий институтлари иштирокчида юксак технологиялар, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника тармоқларида, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2023 йил 18 май кунини Сиан шаҳрида ташкил этилган “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнот имзолади ва 2023-2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдagi ҳар томонлама стратегик шериклини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Мазкур учрашув асосида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорлини кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланганини алоҳида қайд этиш зарур.

Оқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг муҳим иштирокчисидир. Ушбу йирик ташаббус доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорлик ўз мевасини бермоқда. Бу борада “Хитой — Марказий Осиё” газ қувурининг барча 4 йўлаги

Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани муҳим аҳамиятга эга. Қамчиқ довини орқали юртимиздаги энг узун темир йўл туннели, мана, бир неча йилдирки, фаолият юритмоқда. Айни йўналишда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома имзолангани тарихий воқелик бўлди. Мазкур лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва Жанубий йўлак орқали Форс кўрфазини давлатларига юк ташвиш ва ушбу йўналишларда савдо географиясини кенгайтириш, Ўзбекистонни ички давлатдан минтақадаги муҳим коммуникация марказига айлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, 2023 йил 18 октябрда “Бир макон, бир йўл” дастурининг ўн йиллигига бағишлаб Пекин шаҳрида ўтказилган учинчи форумда Президентимиз қатор янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқирози туфайли вужудга келган ҳозирги геосиёсий бекарорлик шариотида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганига алоҳида ургу берилиб, айни дастурнинг таркибий қисми ҳисобланадиган “Яшил ипак йўли” ташаббуси моҳият эътибори билан умумий “яшил” келажак кун тартибини шакллантириши қайд этилди. Бу борада “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил” тараққиёт дастурининг ишлаб чиқилиши, иқтисодий тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилма яратиш, “яшил” сановат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш, “ақлли” кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, “яшил технологиялар”ни кенг жорий қилиш асосида сановат соҳасида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш каби бир қатор минтақавий ва глобал ривожланиш келажакни белгилаб берувчи муҳим ташаббуслар илгари сурилган жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, “Оролбўйи халқаро инновациялар маркази негизида “яшил” билим ва ечимларини трансфер қилувчи илмий-ахборот платформасини ишга тушириш, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида “яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва академик алмушувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб



чиқиш борасида билдирилган ташаббуслар илм аҳли учун ғоят манфаатли бўлди. Ўзбекистон ва Хитой муносабатларида ташқи сийёсат, иқтисод ва савдо соҳалари қаторида кундан-кун ривожланиб, янги босқичга кўтарилаётган жабҳалардан энг эътиборлиси — олий таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорликдир. Хитойнинг мамлакатимиздаги элчихонаси тақдим этган маълумотга кўра, ҳозирги кунда 4 мингта яқин ўзбекистонлик ёшлар Хитойнинг етакчи олий таълим муассасаларида таълим олмақда. Табиийки, талабалар алмушувини дастурлари орқали юртимизда ўқитган хитойлик ўқитувчилар сафи ҳам йил сайин кенгаймоқда. Мамлакатимизда хитой тили — миллий таълим соҳасидаги 8 та устувор хорижий тиллар рўйхатида киритилган.



ситети, шунингдек, Фанлар академияси Палеонтология ва палеантропология институти ҳамда Лоян археологик тадқиқотлар институти билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Мазкур ҳамкорлик алоқалари доирасида ўтган уч йилда 15 нафар хитойлик етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан Археология мутахассислиги магистрантлари ва Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) ҳамда Археология таълим йўналиши талабаларига жами 500 соатдан ортик дарс машгулотлари олиб борилди. ФарДУ профессор-ўқитувчилари ва докторантлари эса Пекин, Сиан, Чунцин ҳамда Лоян шаҳарларида ташкил этилган халқаро форумларда иштирок этиб, амалга ошираётган тадқиқот натижаларини халқаро доирада апробациядан ўтказишга эришди. Шунингдек, ҳар йили ФарДУ кафедралари томонидан ташкил қилинаётган халқаро конференцияларда хитойлик олимлар фаол иштирок этиб

“Ўтган йили октябрь ойида Лоян археологик тадқиқот институти раҳбарияти университетга ташриф буюрди. Бунда делегация аъзолари иштирокида университетда “Фаргона — Лоян археологик тадқиқот маркази” очилди. Эндиликда ушбу марказ Археология таълим йўналиши ва мутахассислиги, музейшунослик таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашга кўмаклашмоқда.

келмоқда. Ўтган давр мобайнида хитойлик олимлар билан ҳаммуаллифликда 50 дан ортик илмий ишлар эълон қилинди. 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистонда, жумладан, Фаргона водийсида амалга оширилган археологик илмий тадқиқотларни Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети, Палеонтология ва палеантропология институти ҳамда Лоян археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда халқаро грант кўринишида амалга ошириш бўйича келишув эришилди. Бу борада 2023 йилнинг 22 апрелидан 30 майга қадар Сурхондарё вилоятининг Бойсун шаҳридаги Работ ёдгорлигида ўтказилаётган археологик қазув-тадқиқот ишларида ФарДУ таянч докторант, магистр ва талабалари фаол иштирок этди. Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси Палеонтология ва палеантропология институти томонидан ФарДУ қошидаги илмий тадқиқот маркази

зига замонавий техника воситалари тақдим этилди.

Маълумки, Лоян археологик тадқиқотлар институти археологик ёдгорликларни тадқиқ этиш ва музейлаштириш бўйича Хитойнинг бош илмий маркази ҳисобланади.

Ўтган йили октябрь ойида Лоян археологик тадқиқот институти раҳбарияти университетида ташриф буюрди. Бунда делегация аъзолари иштирокида университетда “Фаргона — Лоян археологик тадқиқот маркази” очилди. Эндиликда ушбу марказ Археология таълим йўналиши ва мутахассислиги, музейшунослик таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашга кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, ФарДУ ёшлари археологик амалиётлар ва малака ошириш курсларини Лоян институти ва унинг объектларида ўтатиш имкониятига эга бўлди. Бу бўйича Фаргона водийсидаги археологик ёдгорликларни қазив ва музейлаштириш ишлари юзасидан халқаро грант лойиҳа кўринишидаги илмий экспедициялар ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда ҳамкорликдаги илмий марказнинг бош тадқиқот объекти ҳисобланган “Қува шахристони” ёдгорлигини ўрганиш ишлари бошланган. Бу борада, Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети, Палеонтология ва палеантропология институти, Лоян археологик тадқиқотлар институти, Буюк ипак йўли илмий тадқиқотлар маркази ва Фаргона давлат университети ўртасидаги беш томонлама келишув асосида 2024-2025 йилларга мўлжалланган “Қува шахристони” археологик ёдгорлигида қазув илмий-тадқиқотларини олиб бориш ва музейлаштириш илмий лойиҳаси доирасида қий-мат 2 миллиард сўмлик ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Хитойнинг етакчи университетлари магистратура ва докторантура босқичларини тамомлаб қайтган, малака оширган ўнга яқин иқтидорли ёш кадрлар Фаргона давлат университетининг энг муҳим тузилмаларида фаолият олиб бормоқда.

Айни йўналишда 2024 йилнинг 22-23 январь кунлари Пекин шаҳрида Ўзбекистон — Хитой таълим форуми ўтказилиши белгилангани муҳим воқелик бўлди. Фаргона давлат университети айни форум доирасида Хитойнинг энг йирик ва етакчи университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида шартномаларни имзолаши белгиланган. Ушбу университетлар қаторига Хитой халқ университети, Хэйлуңцзян университети, Сун Ятсен университети, Шимоли-ғарбий университет, Жануби-ғарбий университет, Сиан халқаро тадқиқотлар университети қиради. Мазкур форум доирасидаги учрашувларда талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмушувини, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда қисқа ва узок муддатли стажировкалар, қўшма илмий лойиҳаларни йўлга қўйиш, маъруза ўқиш, семинар, маҳорат дарслари ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришиш назарда тутилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси иқтисодий ҳамкорлини кенгайтириш, савдо ва инвестициявий соҳаларда қўлай шартлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият каби йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Икки мамлакат ўртасида узокни кўзлаб олиб борилаётган янги форматдаги ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқалари келгусида минтақамизда тинчлик ва барқарорлини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, доно хитой халқи таъбири билан айтганда, “келгуси асрнинг бахти ушбу асрда қурилади”.

Эл-юрт умиди



САЛОҲИЯТ РҲЁБИ УЧУН ЭНГ ЯХШИ ИМКОН

Хорижда ўқиб, билим ва малакамни ошириш энг катта мақсадим эди. Айни пайтда Малайзиянинг UCSI университети халқаро бизнесни бошқариш факультетида магистратурада таҳсил оляпман.

Нурбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, Малайзиянинг UCSI университети магистранти, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендианти



Қашқадарё вилоятининг Қашаши туманида улғайганман. Отам мактабда дарс беради, онам поликлиникада педиатр бўлиб ишлайди. Уларнинг ўқишга рағбати кучлилиги, таълим-тарбияга алоҳида эътибори биз — тўрт фарзанднинг билим олиш, етук мутахассис бўлишга интилишимизда ўз ақсини топти.

2007 йилда Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиндим. У ерда божхона иши, божхона назорати ва расмийлаштируви, божхона тўлови, божхона экспертизаси ва соҳага доир бошқа фанларни ўргандим. Институти тамомлагач, Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси Китоё ТИФ божхона постида хизмат фаолиятини бошладим. Кейинчалик бошқарманинг турли бўлимларида, Тошкент халқаро аэропорти ва қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлардаги божхона постларида ишладим.

Инсон муваффақиятга эришиши учун ўз устиди муттасил ишлаши кераклигини билардим. Шу сабабли соҳамда такомиллаштириш, етук кадр сифатида шаклланиш нияти тарк этмади. 2022 йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси сайтида эълон қилинган маълумотлар билан танишгач, хориждаги нуфузли университетларда ўқиш ва билимимни ошириш истаги пайдо бўлди. Дунёнинг илгор 300 та

жараёнида автоматлаштирилган технологиялардан кенг фойдаланиш мавзусида илмий тадқиқот қилапман.

Йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотнинг бошқа иш жараёнида одамлар ўрнини роботлар, автоматлаштирилган технологиялар эгалламоқда. Инсон омили камайрилиб, сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш ижобий натижа кўрсатмоқда. Бу каби тажрибалар Ўзбекистонда ҳам аллақачон бошланган ва барча соҳада кенг ёйилмоқда. Хусусан, тиббиёт, таълим, божхона, солиқ, давлат хизматлари каби барча йўналишда қўлланмоқда. Масалан, божхона расмийлаштирувининг 70-80 фоиз иши автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали ҳал этилади. Бу тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежайди. Шунингдек, ортиқча

2022 йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси сайтида эълон қилинган маълумотлар билан танишгач, хориждаги нуфузли университетларда ўқиш ва билимимни ошириш истаги пайдо бўлди. Дунёнинг илгор 300 та университети рўйхатидан Малайзиянинг UCSI университетини танладим ва ҳужжат топширдим. Танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганим ҳақидаги хабардан жуда қувондим. Ниҳоят, орзумга эришгандим.

университети рўйхатидан Малайзиянинг UCSI университетини танладим ва ҳужжат топширдим. Танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганим ҳақидаги хабардан жуда қувондим. Ниҳоят, орзумга эришгандим. Жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасасида таҳсил олиш ҳаётимда катта ўзгариш ясашини, салоҳиятимни рўёбга чиқариш учун зўр имконият эканини англаб, ҳис қилиб турарканман, қалбимда миннатдорлик ҳисси жўш уради. Ахир бундай шартин қайда бор? Ўқийсиз, имтиҳон топширасиз ва хорижда — дунёнинг нуфузли университетларида билим олиш имконига эга бўласиз. Аслида, бундай ОТИМда билим олиш катта маблағ талаб этади. Давлат эса барча харажати тўлаб бермоқда. Бундан фахрланмасдан бўларканми?!

Малайзия Жанубий-шарқий Осиёда жойлашган, тропик иқлим ва гўзал табиатга эга давлат. Иқтисодий ривожланиши бўйича Осиёда 6- дунёда 20-ўринда туради. Мамлакатда 20 та давлат ва 47 та хусусий ОТИМ бор. Университетларда ўқитиш даражаси анча юқори. Шу сабабли ҳам кўп ОТИМ етакчи 300 таликка кирган. Чоп этиладиган илмий мақолалар сифати, ўқитувчи-профессорларнинг дарс бериш малакаси яхши. Мен ўқитган UCSI университетига халқаро бизнес, тадбиркорлик, маркетинг, логистика йўналишларида халқаро миқёсда таниқли, юқори малакали ўқитувчи-профессорлар дарс беради. Университет илмий тадқиқот йўналишларида ҳам катта тажриба ва натижага эга.

Университетда ўқитган пайтда ҳамда таътил давомида тури ташкилот ва корхоналарда малака ошириш имкони берилади. Мен ана шу имкониятдан фойдаланиб, иш самарадорлигида кадрлар сийёсати, корхона иш

оворагарчилик, коррупция, таниш-билишчилик каби иллатларнинг олдини олади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Божхона қўмитаси билан Малайзия божхона хизмати ўртасида самарали ҳамкорлик мавжуд. Ўтган йил ўрталарида ҳам ўзаро ҳамкорлик учрашувини ўтказилди. Мамлакатимизда асосий транспорт логистикаси автомобиль, темир йўл ва авиация транспортини иборат бўлса, Малайзиянинг асосий божхона расмийлаштируви денгиз логистикаси ва сув транспорти билан боғлиқ. Яқинда мана шу божхона кўриги ва расмийлаштируви жараёнини ўрганмоқчиман. Шу боис, икки божхона тизимида кўрик, расмийлаштирув ва соҳага оид бошқа фарқ ҳамда янгиликларни ўрганиб, шу йўналишда мақола чоп этиш ва тегишли тақлифлар бериш режам бор. Юртимизга қайтгач, божхона соҳасида фаолиятимни давом эттирмоқчиман. Айнан божхона расмийлаштируви ва назорат йўналишида, божхона омборига тегишли айрим масалаларда автоматлаштирилган тизимни кенг жорий қилиш ниятидаман.

Хорижда таҳсил олишининг ўзига яраша машаққати бор. Ижтимоий масалаларда айрим қийинчиликлар кузатилади, лекин бу ерда Ўзбек диаспораси борлиги кўнгилга қувват беради. Ўзбекистонлик ватандошлар қараб турмайди, барча зарур қўмакни беришга тайёр. Маҳаллий аҳоли ҳам ўзаро дўстона муносабатларда ердамини аямайди. Келганда бир оз қийинчиликлар бўлди. Талаба дўстларим ва ўқитувчи-профессорлар ердамини билан бу босқичлардан ўтдик. Илм олиш ягона маслаҳат бўлган ёшлар учун бугун юртимизда катта имкониятлар яратилган. Инсонда ҳаракат, хоҳиш ва олдида қўйилган юксак марра бўлса, албатта, натижага эришади.

Муносабат

Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий. Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ХАЛҚ ДЕНГИЗДИР, ХАЛҚ ТҮЛҚИНДИР, ХАЛҚ КУЧДИР”



Баҳодир КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор

XX аср биринчи чораги янги ўзбек адабиётида Абдулхамид Чўлпон алоҳида ўрин тутади. У ўз даврида публицист, адиб, драматург сифатида кўзга кўринди. Аммо Чўлпоннинг адабий мероси марказини шеврияти-шоирлиги эгаллайди. Ўзбек жадид адабиёти майдонида Чўлпон ўзининг эрқпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик руҳида ёзган шеърлари билан шуҳрат топди. Чўлпон ўз вақтида “Турк юрди”, “Вакъ”, “Улфат”, “Таржимон”дан таълим олди. Машҳур жадид адиби Исмоил Гафиров унга: “Адабиёт сиза: — Жоҳи ўлингиз, демас. — Сафил ўлингиз, демас. — Олама кулчи ўлингиз, демас. — Дунё севар киниш ўлингиз, демас. — Соир иншоуларга нисбатан хайвон қолингиз, демас.

Шоир миллий руҳда жуда кўп гўзал шеърлар ёзди. Янгиликка ташна шеърят муҳибларининг қалби 20-йилларда Чўлпон шеърларидаги ўша рубобий оҳангдан чексиз завқланди. Шоирнинг соҳир овози барчанинг юрагини асир қилди, шуурга таъсир этди. Чўлпонга эргашадиганлар, унинг овозига тақлидан шеър айтидаганлар пайдо бўлди. Аммо XX аср тонгининг қора булутли осмонида Чўлпон ягона эди. Бир сониялик ярқ этган чақмоқдан умидланиб, чексиз орзулар оғушида юрган истеъдод эгаси битта эди.

Чўлпоннинг умумижодини ўз замонасидаги умумижамият-сиёсий ҳодисалар фониде талқин қилиш ўринли бўлади. Унинг дастлабки асарларида жадидона кайфият, илм-маърифатга тарғиб кучли. Кейинчалик Туркистон мухторияти эълон қилинган бир паллада у: “Туркстонлик — шонимиз, Ватан — бизнинг эжомимиз, фидо ўлсун қонимиз! Бизлар темир эжомимиз! Шавкатлигимиз, шонимиз! Номусли, виждонимиз! Қайнаган турк қонимиз!” деб қувончини эди.

Бирок бу шодияна онлар кўпга чўзилмади. Чоризм қиёфасидаги мустамақкачиларнинг номи ўзгарганини кўнгил кўзи очик зиёللар, жумладан, Чўлпон ва унга мансуб адабий авлод жуда яхши англади. Шу боис, улар тенглик, адолат, ҳурлик “оғизда эмас, амада бўлсин”, деган фикрни матбуотда баралла айтди. Бу авлод ҳуррият орзуси билан яшайди, ижод қилди, озодликни қўмсди, тенгликни соғинди. Уларнинг ишқ-муҳаббати негизда ҳам озодлик орзуси бор эди. “Қаландардек юриб дунёни” кезган шоир Чўлпон жамиятдан ўзи истаган нарсасини топа билмади ва “қайгулар, аламулар бир-ла” ўзига қайтди, ўқинчилар билан “ерга ботди”.

“Бузилган ўлка” ичида туриб ҳақиқатни сўзлади. Шахсий дарди ижтимоийлашди, ижтимоий муаммо субъективлашди. Шоир ҳали қалн кишанларнинг излари юрагидан кетмаган бир шарафда эркин истади: Кишан кийма, бўйин зема Ки сен ҳам ҳур туғулгансен, дея ҳайқирди. Бу шоирнинг инсон ҳурлиги, Ватанинг ҳуррият қисмати қўмсови билан ёзилган юрак дардидир. Бу оташин мисраларда озодликка, фикр эркинлигига, инсон қадрига чорлов муважжас. Зотан, Чўлпон шеърларида эркинликни бўғиб тушувладиган кишан билан ҳурлик тазоди-конфликти кўп учрайди. Кишан

нинг излари шоирнинг лирик қаҳрамони қалбига азоб беради.

Тутқунларга бағишланган “Виждон эрки” деган шеъри бор шоирнинг. Унда айтдики: Эй бевалар, бечоралар, Эй боғланган кишанларга, Эй эрк учун оворалар, Кўп ялминган сиз уларга!

“Эркин, тупроқнинг асл эгаси, хўжайини бўлган” маҳаллий халқ келгиндилар томонидан кўп таҳқирланди, камситилди. Чўлпон



“Кутурган мустамақкачилар” мақоласида бундай эди: “Русиядан келганда икки оёқ, икки кўларидан бошқа нарсалари бўлмаган муқожирлар ғалати иморатлар, бой хўжалиқларга эга бўлганлар эди.

Октябрь инқилобининг аввали 2-3 йилда буларнинг тарихлари бутун номуссизлик, хиёнат, жиноят ва зулмлар билан тўлди. Булар инқилобнинг бошларида шўролар ҳўқуматига қатъиян ишонмай турсалар ҳам, кейинча қизил кўшин қаторига кириб олиб ерлик халқнинг қиллоқ ва шаҳарларини талон-торож қилиб юрдилар”.

Шоир Абдулхамид Чўлпон шеърларининг асос-негизи ана шу “кутурган мустамақкачилар” қилмишларини фож этишга қаратилгани билан қиймат касб этади.



Шоирнинг ижтимоий мазмуни адабий мақолалари билан шеърини мисралари орасида мустаҳкам боғланмиш бор. Ўз ижодида миллат дардини ифода этишнинг турли йўллари-шаклларида унумли фойдаланди шоир. “Хазон” шеърда эади:

... Эй, совуқ эллардан муз кийиб келганлар, Уқул товшингиз қирларда йўқ бўлсин. Эй, менинг боғимдан меваним терганлар У қора бошингиз ерларга қўмилсин...

Шоир юрагида бундай тўфонли туйғулар, мувожаатлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бу йўлда у ўзини ёлғиз сезмайди. Халққа ишонади:

Халқ, денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, Халқ исендир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ кўзюлса, куч йўқдурким, тўхтатсин, Қўват йўқким, халқ истагин йўқ этсин. Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка, Кетсин унинг бошидаги қўланка.

Чўлпонга қўши бетини тўсган булутлар, теграсида юрган қўланка ва соялар асло маъқул келмайди. У кўп вазиатларда “тутқун Шарқ”нинг забун ҳолига қайгуради. Унинг орзуси, тасаввуринда Шарқ бу тутқунлиқдан озодлик сари қадам ташлаётган, уйғонаётган Шарқдир. Уйғониш — бу ҳам Чўлпон ижоди учун жуда муҳим тамойил. Бир шеърини мажмуасини “Уйғониш” деб номлади. Шарқ қизи, ўзбек қизи тилидан айтишнинг шеърларида муқоқ уйқудан уйғониш оҳанглари, тутқунлиқдан озод бўлиш пафоси етакчилик қилади.

Мен бир Шарқ қизимен, Шарқнинг ўзидек Бутун таним, жоним “хаёл” уясин.

Меним қора қўзим кийик қўзидек Белисиз овчининг ўқин кўргуси. Бу шарқ қизи “баҳор келганини кўрмай” қолади. Бу қиз учун қишдан кейин ҳам баҳор йўқ, балки куз бор. “Шарқ қизи” билан ўзбек қизининг дарди яқин. Ҳар иккиси ҳам эркинлик истади. “Эркин бошқалардир, камалган менман”, деган гап ҳар иккови учун ҳам жуда муҳим. Эрк, ҳуррият орзусини Чўлпон тутқин шарқ қизи образи воситасида баён этади.

Кўлан бошқалардир, йиллаган менман, Уйғанган бошқалар, инграган менман, Эрк эртақларини эшитган бошқа, Қўлик қўшиқини тинганган менман.

Бу лирик образ учун озод бўлиш, эркин бўлиш бир ҳаёлга, гўё эртатка ўхшайди.

Эй! Сен мени ҳақир қурган, тубан деган афанди! Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмоқ истаган, Эй! Бўйимга кишан солиб, ҳалокатка судраган, Кўларингизни заҳарлатиб уйқатмағил,

бас энди! Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон”, “Бузилган ўлкага”, “Бинафша”, “Мен ва бошқалар”, “Эй гўзал Фарғона” каби қатор шеърларида эркак талпинган юрак уришлари баралла эшитилади.

Эй, тоғлари қўқларга салам беран зўр ўлка, Нега сенинг бошида қуюқ бутут қўланка? Бу шеърда “эрки кўнгил” ва “эркин тупроқ”ка тегишли шеърини тушунчалар бор.

Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси” мусурасида “Тапур менга, Эй Улуг Тургон, арслон-

лар ўлкаси! Сенга не бўлди?”, деган хитоб бор. Айни саволи Чўлпон қўяди:

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди? Саҳар вақтида гулларинг сўди.

Шоирнинг тажохили орифона саволи бу. Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Фитратлар авлоди Туркистонга не бўлгани ва не бўлаётганини ўз кўзлари билан кўриб турган эди.

Турон, Туркистоннинг шонли тарихини Чўлпон жуда яхши билган. Аммо ўз замонасидаги ҳодисалар унинг руҳиятига, кайфиятига муносив эмас. Чунки:

Тарихининг қанотлари сўнг йиллар, Алландай қора ранг-ла бўялмиш.

Гарчанд шоир шеърларида оппоқ-оқлик, оппоқ қор хусусида қатор шеърлар бўлса-да, унда қора, қор-қора рангта бўлган мисралар ҳам кам эмас.

Ҳар томонда қайеу, ҳасрат, ҳар азиз жон оҳ урар.

Кўк юзини қор-қора, машум булулардир ўрар.

“Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида бутут”. Шоир ўзини гоҳида шундай саволлар билан текшириб ҳам кўради. “Қора тун”, “қора қиш”, “қора дев”, “қора парда”, “қора жанжир”, айниқса, “қора бутут” — булар ўз-ўзидан тугилган таъбирлар эмас.

Қора бутут тўдасиким кўқларчи — Шарқни ёнган парда янгли ёмушдир. Чўлпон ҳаққўй эди. Ҳақни, ҳақиқатни талаб қилди. Устоzi Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ҳақ олинур, берилмас” деган таълимини олган эди у.

Ҳақсизликка кўмилган, эзиллаётган, тутқун ўлкани, келгиндилар тарафидан қизил қонга ботирилган она заминини кўрган шоир юраги эзилди. Қувончлари ўрнини қайгулар эгаллаб олди ва: “Эй гўзал Фарғона қонли қўлагиндан айланай, Тарқалиб кетган қора, ваҳший соҳинга бой-ланай...”, деб алам билан эди.

Шу “Эй гўзал Фарғона” шеъри охирида яна бундай мисралар бор: “Йилгама, юртим, азурки, бу кунингда йўқ баҳор, Келгуси кунлар бахтинг юлдўзи ўйнаб қолар”.

Бу умидли мисралар эди. Шоир баҳор келишини, янги ва яхши, фараҳли, қўқмақли кунлар келишини юрак-юракдан истади. Ўз юртининг “бахт юлдўзи ўйнаб қолиш”га умид боғлади. Чўлпон оруз қилган замоналар рўбега чиқши учун ораддан ромпа-росса етмиш йил — бир инсон умрича вақт ўтди. Чўлпоннинг орзуси рўбега чиқди.

“Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи”. Бу ҳам шоирнинг ҳали шу кунга довур жаранглаб турган қалб нидосидир. Шунга қўра, Чўлпон ва унинг ғоялари, шеърини чақирқири асло ўтмиш эмас.

Ватан ва миллат ҳурлиги учун жонини фидо этган Абдулхамид Чўлпон айнан бугуннинг шоири ва ҳар доим шундай бўлиб қолажак.

Хунармандчилик

ЧАРХНИНГ ҚАР БИР АЙЛАНИШИ, БУ — ҲАЁТ

Кия очик дарвозадан мўралаб, лаганларга меҳр билан гул чизаётган қулолнинг сеҳрли оламига кўз ташладиқ. Бетақор, беназир махсулотларга суқланиб боқамиз. Гўзал ва нафис, мовий рангларга уйғун тарзда акс этган қалампирмуночок гўллар гўё ифдор таратиб, хаёлимизни ўғирлагандек бўлади.

— Келаверинлар, эшигимиз очик, — дея пешвоз чиқади қўрмадан келган узун бўйли йилги, лойга қоринган қўлларини кўтариб. Ёш қулол Камронбек Шарофиддинов билан танишувимиз шундай бошланди. Қулол иш устида бўлса-да, устахонадаги саранжом-сарашталик эътиборимизни тортди. Бир-бирига уйғун ҳолда қўйилган хомашёллар, тайёр ва ярим тайёр махсулотларнинг турфа ранг ва кўриниши бобомерос хунармандчилик аъёнларининг бутун буй-бастини кўрсатиб, салобат тўкиб турибди. Катта лаганда акс этган кўза ва анор гуллари оила тотулиги, мустаҳкамлиги ва тўқинлигининг рамизи сифатида эътироф этиб келинади. Ҳар бир буюм, унга ишланган ранг-тасвирларда ўзига хос маъно, ҳаёт ҳикмати мукассам.

Ривоят қилишларича, бир замонлар катта сув тошқини юз бериб, бандан тоғу тошлар, дала-дашлардан қулочликчи мос ва хос бўлган табиий хомашё — саз тузулган бур ерларга оқиб келган экан. Қариб саккиз юз йиллик тарихга эга Риштон қулочликчи мактаби аъёнлари шу кунга қадар тараққий этиб келишида жаннатнондан гўшанинг асл фарзандлари, уста қулолларнинг меҳнати бекиёс, албатта. Қолаверса, кейинги йилларда миллий хунармандчиликни ривожлантириш

йўлида яратилаётган имтиёз ва имкониятлар боқий аъёнлар ривожига хизмат қилмоқда.

Камронбек уста қулолларнинг тўққизинчи авлоди ҳисобланади. Бу йил 24 ёшни қарши олган хунарманднинг болалик дамлари бобоси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Шарофиддин Юсупов устахонаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, унинг қалб-қўри билан тайёрланган қулочликчи махсулотлари ҳар қандай кўнгилни ўзига мафтун этади. Эсини танибдики, тупроққа жон, ўзига хос жилва, сайқал бериб, мўъжиза яратётган ёш уста қадим сулоланинг муносив давомчиларидан. Бунда “Уста-шоғирд” аъёнаси асосида олиб борилаётган ишлар катта аҳамият касб этмоқда. Бу ерда Риштон қулочликчи мактабига хос бўлган беназир сир-синоатларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, сопол буюмлар шайбоб чиқариш, табиий гиёҳлардан сир, ранг тайёрлаш жараёнини қамраб олган йўналишлар ёш қулол ҳаётда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Қулол устахонаси кўна хунармандчилик махсулоти яратилиши жараёнига қизикқан сайёҳлар билан гавжум, файзли. Устахонада бир-бирини тақорламайдиган мураккаб ва нафис нақшларга бой сержило сопол буюмлар



тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. — Қулочликчи бир қараганда, оддий ишдек кўринади, лекин бу жуда катта кунт ва сабр талаб этади, — дейди Камронбек. — Ҳар бир махсулот тайёр ҳолга келгунга қадар ўнлаб қўлдан-қўлга ўтади. Усталар меҳри билан ўзига хос жилва ва кўриниш касб этган махсулотлар шу боис қадри. Унда акс этган ҳар бир чизик, тасвир рангларининг ўзаро уйғунлиги муҳим ҳисобланади. Қулоллар оиласида улғайган бўлсам-да, қулол бўлиб иш олиб боришим бирмунча қийин кечган. Бу ишга ҳеч кимни мажбурлаб ўргатиб

бўлмайди. Мактабда ўқиб юрган кезларим дастурчи бўлишни мақсад қилиб, турли ўқув-курсларига бориб, ҳатто бир-икки лойиқа устида ҳам ишладим. Тенгдошларим билан тумандаги “Навбаҳо” кичик саноат зонасидаги чиннипазлик цехида кунлик ишларни бажариб юрдик. Лекин оиламиздаги қайноқ ҳаёт мени бобомерос хунармандчиликнинг гир айланниши, оддий тупроқдан яратилган табиий буюмлар оҳанрабоиси ўзига мафтун этди, сеҳрлаб олди. Устахонадаги чархнинг ҳар бир айланниши, бу — ҳаёт. Бугунги ва эртанги

ЧАРХНИНГ ҚАР БИР АЙЛАНИШИ, БУ — ҲАЁТ

кунга бўлган ишонччи мустаҳкамлайди, янги ғоя ва мақсадлар сари ундайди. Қўлга олинган бир парча лойга меҳр бериб, унинг куч-қудратини ҳис қилмасангиз, қулган натижага эришиб бўлмайди. Бу инсондан синчовлик, ҳозиржавоблик, табиат ва қалб гўзаллигини талаб этади. Шу боис, қулол меҳнати элда қадрланади.

Риштоннинг туристик харитасига киририлган “Риштон халқаро қулочликчи маркази”даги устахона — ота-боболаридан мерос бўлган кўна ҳовлига дунёнинг турли қитъаларидан келувчи меҳмонлар кўп. Сулоланинг саккизинчи авлоди бўлган Фирдавс океанорти хунармандлари билан тажриба алмашиб, умрбоқий қулочликчи аъёнларини тарғиб қилиб келаётган моҳир усталардан.

Камронбекнинг ютуқлари ҳам чакки эмас. Бир неча бор вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, халқаро кўргазмалар соғирдорига айланди. Қозоғистоннинг Ўш шаҳрида ўзининг махсулотлари кўргазма-савдосини ташкил этиб, кўпнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

— Риштон қулочликчи мактабига уста Шарофиддин Юсуповнинг алоҳида ўрни бор, — дейди ёш қулол устахонадаги лаганлардан

ЧАРХНИНГ ҚАР БИР АЙЛАНИШИ, БУ — ҲАЁТ

бирини қўлга олиб. — Бу мактабда бор-йўғи уч хил ранг билан ишлаб, юзлаб турдаги махсулотлар яратилади. Масалан, локувард-мовий ранг инсонни улғурворлик, олдинга интилиш сари даъват этади. Мис-феруза, малҳаш-қўнғир, сариқ, сафедпазлик кўна қулочликчи аъёнларини алоҳида аҳамиятга эга. Табиий гиёҳлардан тайёрланган бур ранглар ўзаро уйғунлашиб, буюмга ўзига хос жилва беради, асрлар давомида кўринишини йўқотмаслик хусусити билан ажралиб туради. Шу боис, махсулотларимиз ички ва ташқи бозорда харидордир. Америка, Италия, Франция, Германия, Россия сингари давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйганмиз. Айни кунда устахонамизда меҳмон бўлиб кетган италиялик миқозлар талабига мос турфа буюмлар тайёрлаш билан машғулмиз.

Камронбек бугун отамерос хунарманд рўзгор тебратишти. Ёш бўлишга қарамай, ушбу хунар этагидан тутқоқчи бўлган қўлбал ёшларнинг устоzi. 2024 йилни янги ғоя ва ташаббуслар билан бошлади. Жамғариб юрган маблағи ҳисобидан қулочликчи йўналишида сайёҳликни ривожлантириш мақсадида “Зай-наббоби” оилавий меҳмонхонасига асос солди. Бу ерга келган меҳмонлар оила ҳаёти, қулол тайёрлаётган махсулотлар билан нафақат танишиши, балки бу жараёнда бевосита иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚИЙШ УЧУН МАЗКҲУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.